БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 37 (17.030). ● 12 февраль 1978 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

Космосда тўққиз ҳафта

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 февраль. (ТАСС). Юрий Романенко билан Георгий Гречко орбитада учаётганлигига тўққиз ҳафта бўлди. «Салют-6» — «Союз-27» космик илмий-тадқиқот комплексининг экипажи планлаштирилган тадқиқот ва экспериментларни бажаришни давом эттирмоқда.

Космонавтлар техникавий экспериментлар программасига мувофиқ астроориентация ва космик навигациянинг янги оптик приборларини синовдан ўтказиб пишиқтирдилар.

Экипаж қутб ёғдуларини, кумушсимон булутларни кўз билан кузатиб, фотоаппарат билан суратга олмоқда. Бугун ўтказилган радиоалоқа сеансларининг бирида 1975 йил ёз фаслида «Салют-4» станциясида орбита бўйлаб 63 сутка учган космонавтлар Петр Климук билан Виталий Севастьянов «Салют-6» станцияси экипажини улар эришган ютуқдан ўзиб кетганлиги билан табрикладилар ва Юрий Романенко билан Георгий Гречкога учишни муваффақиятли давом эттиришларини тиладилар.

Телеметрик ахборот маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра «Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишламоқда. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка, область, шаҳар, автоном округлар, шаҳар ва қишлоқ районлари, саноат, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, хўжаликлараро бирлашмалар, агросаноат бирлашмалари ва бошқа бирлашмалар, улардаги ишлаб чиқариш бирликлари, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар, олий ўқув юртлари коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар. Кабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтилишича, Совет Иттифоқи меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини ва СССР янги Конституциясининг қабул қилинишини мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмлари ва самарадорлигини ўстириш таъминланди. Халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш программаси изчиллик билан бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни ғолиблар деб топдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

1977 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар учун.

РСФСР
Украина ССР
Белоруссия ССР
Ўзбекистон ССР
Грузия ССР
Озарбайжон ССР
Латвия ССР
Арманистон ССР

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКА ВА ОБЛАСТЛАР

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганликлари учун:

РСФСРдан — Доғистон АССР, Коми АССР, Чувашистон АССР, Краснодар ўлкаси, Ставрополь ўлкаси, Хабаровск ўлкаси, Амур области, Астрахань области, Белгород области, Владимир области, Горький области, Калуга области, Ленинград шаҳри, Ленинград области, Москва шаҳри, Москва области, Свердловск области, Тюмень области;

Украина ССРдан — Ворошиловград области, Киев области, Львов области, Полтава области, Суми области, Тернополь области, Херсон области, Черкасси области, Чернигов области;

Белоруссия ССРдан — Брест области, Гомель области;

Ўзбекистон ССРдан — Қорақалпоғистон АССР, Андижон области, Тошкент области;

Қозоғистон ССРдан — Қизилўрда области, Шимолий Қозоғистон области;

Грузия ССРдан — Ажария АССР;

Озарбайжон ССРдан — тоғли Қорабоғ автоном области;

Қирғизистон ССРдан — Ўш области;

Тожикистон ССРдан — Ленинобод области;

Туркманистон ССРдан — Чоржўй области.

Қуйидагилар ғолиб деб топилди ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

100 шаҳар ва шаҳар районлари;

209 автоном округ ва қишлоқ районлари;

саноат, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, хўжаликлараро бирлашмалар, агросаноат бирлашмалари ва бошқа бирлашмалар, уларнинг ишлаб чиқариш бирликлари, корхоналар, қурилишлар колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар, олий ўқув юртларининг 1562 коллективи, шу жумладан бу коллективларнинг 760 таси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини чуқур ва ҳар томонлама анализ қилишни топширдилар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган мусобақадаги меҳнат шижоати ва маромини мустаҳкамлаш, йилнинг биринчи кунлариданоқ ҳар бир меҳнат коллективи ҳар бир район, шаҳар, область, ўлка ва республиканинг белгиланган давлат топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш мақсадида ишга халақит бераётган сабабларни йўқотиш чоралари белгилансин ва амалга оширилсин. Бутуниттифоқ мусобақаси ғолибларининг тажрибасини ўрганиш ва кенг ёйиш уюштирилсин, шу мақсадда матбуот, радио, телевидениедан ҳамда оммавий пропаганда ва ахборотнинг бошқа воситаларидан тўлароқ фойдаланилсин. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига йўллаган Мактубидан келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқ социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш, унинг таъсирчанлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг, энг яхши коллективларнинг беш йиллик учинчи йили топшириқларини 1978 йил 7 октябргача — СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада кўрсатаётган қимматли почин ва ташаббусларини ҳамма жойда ёйиш таъминлансин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалисик мусобақасида ғолиб чиққан республикалар, ўлка, область, шаҳар районлар, автоном округларнинг меҳнаткашларини, бирлашмалар саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларнинг коллективларини қизғин табриклайдилар ва ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ва илмий ходимлар, халқ хўжалигидаги барча соҳаларнинг меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган коллективларнинг рўйхати тармоқ газеталарида, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.

550 МИНГ ТОННА СУРХОНДАРЁ ПАХТАСИ УЧУН

11 февраль куни Термизда Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойни область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов очди. Область ижроия комитетининг раиси Н. Туробов 1977 йилги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби асосида колхоз ва совхоз меҳнатчиларининг беш йилликнинг учинчи йилидаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи, шунингдек Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Ч. Алматов, Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхозининг йириклаштирилган пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Ниёзов, «Искра» шоликорлик совхозининг бригадири Д. Мамадиев, Денов районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси У. Қодиров, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони Т. Пухтаев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар янги қишлоқ хўжалик йилидаги режалар тўғрисида, меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан қабул қилган юксак социалистик мажбуриятлар ҳақида гапирдилар. Ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Қурултой иштирокчилари 1978 йилги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. 550 минг тонна пахта шу жумладан 200 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб, давлатга сотишга қарор қилинди.

Қурултойда Қашқадарё область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан анъанавий мусобақани давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, республика мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИК ПОСБОНЛИГИДА

Тошкентда прокуратура органлари раҳбар ходимларининг республика кенгаши бўлди. Кенгашда 1977 йил якунлари ва СССР янги Конституцияси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари ҳамда нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР прокурори Н. Б. Бўрихўжаев доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари қилинган ишларни атрофлича таҳлил этдилар, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини белгиладилар. Докладни муҳокама қилишда СССР прокуратураси коллегиясининг аъзоси И. В. Черменский қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этди. (ЎзТАГ).

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

Республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили халқ хўжалик планида кўзда тутилган янги қувватларни, уй-жой ва маданий-маиший объектларни ишга туширишни жадаллаштириш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилдилар.

Республикадаги асосий пудратчи министрликлар ва идораларнинг январь ойи планини бажариш соҳасидаги иши қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

	1978 йил январь ойи планининг бажарилиши процент ҳисобида	1978 йилнинг январида 1977 йилнинг январидагига нисбатан процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	100,2	100,7
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	100	104
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	106	104
«Главташкентстрой»	92	105
«Узколхозстрой»	101	115
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	102	116
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлиги	112	107
«Узглавводстрой»	103	108
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон территорияси бўйича)	105	105

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлиги, «Узбекшахтострой», «Ташсредазирсовхозстрой»нинг кўпгина қурилиш ва монтаж трестлари январь ойида пудрат ишлари планини муваффақиятли бажардилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Алмаликсвинецстрой», «Узбекшахтастрой» «Ташпромстрой», «Самаркандхимстрой» трестлари, Гулистондаги 7-, Фарғонадаги 8-, Наманагандаги 10- ва Термиздаги 165-трестлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли «Ташоблсельстрой», Фарғонадаги 9-, Самарқанддаги 15- ва Сирдарёдаги 22-трестлар ҳамда умуман «Главташкентстрой» январь ойи программасини бажармадилар, ишга тушириладиган бир қанча объектларни қуришда қолоқликка йўл қўйдилар.

Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идораларининг коллегиялари январь ойидаги иш якунларини атрофлича таҳлил қилиб йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш чораларини кўришлари, орқада қолаётган коллективларга ёрдам беришлари лозим.

Ишчи кучлари ва моддий-техника ресурсларини ишга тушириладиган энг муҳим қурилишларга жамлаш, бир маромда ишлашни ҳамда ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектларни йил ойлари ва кварталлари бўйича бир маромда фойдаланишга топширишни таъминлаш асосий вазифа бўлиши лозим.

Социалистик мусобақага бошчилик қилиш, илғор тажрибани кенг ёйиш, ички резервларни дадил очиб ташлаб ва улардан фойдаланиш — қурилиш партия ташкилотларининг вазифасидир.

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

● **САМАРҚАНД**

11 февраль куни бу ерда область партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари областнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан беш йилликнинг учинчи йили планлари ва мажбуриятлари муваффақиятли бажарилади, деб қатъий ишонтирдилар.

● **ҚАРШИ**

11 февраль куни область партия активининг бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби талаблари асосида капитал қурилишни ва коммунал хўжаликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳнаткашлар коллективларининг оширилган социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

(ЎзТАГ).

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, 1977 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни мусобақанинг ғолиблари деб топдилар ҳамда уларни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар;

ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

ЎЗБЕКИСТОН ССР

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Андижон области;
Избоскан райони;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилади:

Андижон область суғориш системалари бошқармаси;

Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Андижондаги 3- пахта тозалаш заводи;
Ю. А. Гагарин номидаги 10- шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти;

Бўз районидаги М. И. Калинин номли колхоз;

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Свердлов райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

«Бухарагазпромстрой» трести;
Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози;
Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози;

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Дўстлик райони

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва у СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилади:

Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли совхоз;

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Қарши шаҳри
Қарши райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

«Ҳурмат Белгиси» орденли нефть ва газ қидириш ҳамда разведка ишлари Ўзбекистон геология ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Қашқадарёдаги «Облколхозстрой» трести;
«Кашкадарьяоблсельстрой»га қарашли 19-қурилиш тресги;

Шаҳрисабз районидаги «Правда»нинг 25 йиллиги номли колхоз;

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Косон районидаги В. И. Ленин номли колхоз;

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Задарё райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Норин районидаги «Октябрь» колхози;
Учқўрғон районидаги Й. Охунбобоев номли колхоз;

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Самарқанд шаҳри

Иштихон райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

Жомбойдаги 131-автомобиль корхонаси;
Ургут район маиший хизмат комбинати;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» боғдорчилик-узумчилик совхози;
Пахтачи районидаги С. М. Киров номли колхоз;
Самарқанд районидаги Ф. Энгельс номли колхоз;

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Қумқўрғон райони

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

Жарқўрғон шаҳридаги 26- қурилиш тресги;
Гагарин районидаги «Искра» совхози;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Жарқўрғон районидаги Г. С. Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг А. И. Автономов номидаги «Сурхон» экспериментал хўжалиги;
Ленин йўли районидаги В. И. Ленин номли совхоз;

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Сирдарё райони.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилади:

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози;

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози;

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Тошкент области,
Тошкент шаҳри,
Калинин райони.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

К. Е. Ворошилов номидаги Октябрь Революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи;

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташкенткабель» заводи;
«Узпромвентиляция» трести;
сут саноғатининг Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести;
«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ангренский» разрези;
Тошкент полиграфия комбинати;
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба-ремонт-механика заводи;
«Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» қурилиш трести;

Юқори Чирчиқ районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Политотдел» колхози;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Тошкентдаги 4-нон маҳсулотлари комбинати;

Ғазалкент тош йўниш комбинати;
Иттифоқ посёлкасидаги Дамачи балиқчилик хўжалиги;

Чирчиқ шаҳридаги «Узкоммунтеплоэнерго» республика бирлашган қозон бошқармаси дирекцияси;
«Ҳурмат Белгиси» орденли, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50-йиллиги номли 2-йўл-қурилиш бошқармаси;
Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми;
Тошкент қишлоқ хўжалиги институти.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди;

Қўқон шаҳри;
Бувайда райони;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди ва улар СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати;
Қўқондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. И. Калинин номидаги ёғ-мой комбинати;
14-қурилиш трести;
Фарғона бадиий-тикувчилик фабрикаси;

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

«Ферганаводстрой» трести;
Фарғона область моддий-техника таъминоти универсал бошқармаси;
Қува районидаги Карл Маркс номли колхоз;
Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Қўшкўпир райони.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва у СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзилади:

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Нариманов номли колхоз.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Боғот районидаги «Боғот» совхози.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

Қорақалпоғистон АССР;
Хўжайли райони.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар ва улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахта»сига ёзиладилар:

«Каракалпакирсовхозстрой» қурилиш бошқармаси;
Элликқалъа районидаги С. Оржоникидзе номли колхоз;

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

Чимбой районидаги Қосим Авезов номли совхоз-техникум.

Партия турмуши: комитетнинг иш услуби

РАЙКОМ АЪЗОСИ ҲИСОБ БЕРДИ

Район партия комитетининг пленуми давом этарди. Минбарда — райком аъзоси, Ленин номли колхоз правлениесининг раиси Нишонали Авазов. У ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида колхозда қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилганлиги, райком аъзоси ҳамда колхоз раҳбари сифатида сиёсий ва хўжалик вазифаларининг бажарилишига қандай ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида ҳисоб берарди.

Райком аъзоси. Ҳа, бундай ҳурмат ва шарафга коммунистларнинг юксак ишончини қозонган, ҳар бир ишда ташаббускор, янгиликни дарҳол сеза оладиган, талабчан, принципиал, софдил, меҳнатда бошқаларга ўрнак кўрсатиб, оммани юксалиш сари етаклаш қобилиятига эга кишиларгина муяссар бўла олади. Дарҳақиқат, райком аъзосига ҳурмат ва ишонч билдирилиши билан бир қаторда унинг зиммасига олий бурчлар ҳам юклатилади. «Биз, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, — ҳар бир коммунист юксак ғояли, партиянинг актив жангчиси бўлиши, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бориши лозим эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак». Бу сўзлар тўлалигича райком аъзолари бўлган коммунистларга ҳам тааллуқлидир, албатта.

Коммунистга, шу жумладан, райком аъзосига топширилган ишнинг ижросини текшириш, бу соҳада унга тегишли ёрдам кўрсатиш партия комитетларининг фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Бу тадбир топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини тобора оширишга имкон бераётир. Мана шу жиҳатдан қараганда, Янгийўл район партия комитетининг райком аъзолари ҳисоботини эшитиб туриш тажрибаси ижобий тадбир сифатида хизмат қилмоқда. Бу фикр район партия комитети бюросининг мажлисларидан бирида ўртага ташланди. Коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, уларнинг авангардлик ролини кўтариш мақсадида вақти-вақти билан райком аъзоларининг ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйишга қарор қилинди.

Мана, навбатдаги пленумда Ленин номли колхоз раиси Н. Авазов ҳамда Ҳ. Турсунқулов номли колхоз партия комитетининг секретари Б. Султонов ўртоқларнинг ҳисоботлари тингланмоқда. Худди мана шу хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини бараварига эшитиш ва муҳокама қилиш тасодифий ҳол эмас эди. Иккала колхоз райондаги йирик хўжаликлардан бўлиб, уларнинг меҳнаткашлари бир неча йиллардан буён ўзаро мусобақалашиб келадилар. Районда етиштирилаётган пахтанинг деярли учдан бир қисми мана шу икки колхоз зиммасига тўғри келади. Улар дон, канон пояси, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам салмоқли ўрин тутадилар.

Район партия комитетининг пленумига масалани тайёрлаш учун партия ходимлари, мутахассислар жалб этилди. Улар мазкур хўжаликлардаги аҳвол билан чуқур танишдилар, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида резервлардан қандай фойдаланилаётганлигини атрофлича таҳлил қилдилар, коммунистлар ҳамда колхозчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўргандилар.

Ўртоқ Н. Авазов хўжаликка узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келади. Колхоз тараққиёт йўлида дадил одимламоқда. Агротехника талаблари асосида иш юритилаётганлиги, деҳқончилик маданияти оширилаётганлиги, ишлаб чиқаришга комплекс механизация дадил жорий этилаётганлиги туфайли мўл-кўл ҳосил олиняпти.

Мўл ҳосил мўмай даромад келтиряпти. Бунинг натижасида колхозчилар бадавлат ва маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Илгарилари майда-майда қишлоқчалардан иборат бўлган Ниёзбоши эндиликда бош план асосида қайта қурилмоқда.

Умуман, сўнгги беш йилликда хўжаликнинг пул даромади икки ҳисса кўпайиб, ҳозир 6,7 миллион сўмга етди. Йилига 1,5 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олиняпти. Буларнинг ҳаммаси хўжаликка кенг социал-иқтисодий ривожланиш программасини амалга ошириш имкониятини беряпти. Сўнгги йилларда бу ерда янги мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший хизмат муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. Яқиндагина 600 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ишга туширилди.

Шундан сўнг пленумда Ленин номли колхоз билан мусобақадош хўжалик — уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Б. Султоновга сўз берилди.

Нотиқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашга қандай эътибор берилаётганлиги хусусида алоҳида тўхталди, социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида гапирди. Хўжаликнинг коммунистлар бошлиқ бўлган бригадалари об-ҳаво шароити мураккаб келган бир шароитда ҳам ҳар гектар ердан 40-47 центнердан хирмон кўтардилар.

Хўжалик коммунистлари ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам оммага ибрат бўлмоқдалар. Бригадалараро, механизаторлар, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Мусобақага мунтазам якун ясаб борилмоқда, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Меҳнатда энг юқори кўрсаткичларга эришган колхозчиларга уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор Ҳамроқул Турсунқулов номидаги мукофот берилиши ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Пленум қатнашчилари райком аъзоларининг ҳисоботларини диққат билан тингладилар. Шундан сўнг бу масала партиявий талабчанлик, принципиаллик вазиятида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан ўртоқлар ҳар икки хўжаликда ҳам юбилей йили учун зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг кўпгина моддалари бажарилмай қолганлигини, бироқ нотиқлар бу ҳақда оғиз очмаганликларини, масалага танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ёндашмаганликларини очиб ташладилар. Жумладан, Ленин номли колхозда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор берилаётгани йўқ. Шу сабабли хўжаликнинг ер ости сувлари яқин бўлган майдонларида ҳосилдорлик кам бўлмоқда. Ҳ. Турсунқулов номли колхозда эса 6 бригада пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажаролмай қолди. 9 бригадада ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Афсуски, ҳисобот пайтида нотиқлар мана шу рақамларнинг мағзини дурустроқ чақишга эътибор бермадилар. Уларни қайд этиш билан кифояланиб, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини очиб ташламадилар.

Пленумга бу масалани тайёрлашда иштирок этган мутахассислар, район партия комитетининг аъзолари юқоридаги камчиликларнинг сабабларига алоҳида тўхталдилар. Агар иккала хўжаликда ҳам социалистик мусобақа тўғри ташкил этилганида, коммунистларнинг авангардлик роли янада оширилганида, колхозчилар ўртасида шахсий мусобақа йўлга қўйилганида юқоридаги камчиликлар, шубҳасиз бартараф этилган бўларди.

КПСС XXV съезди қарорларида партия ташкилотлари иш услубини давр тақозоси асосида такомиллаштириш, партиявий ишга ижодий ёндашиш зарурлиги алоҳида уқтирилган. Янгийўл район партия комитети райком аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш юзасидан олиб бораётган ишлар ана шу талаблардан келиб чиқаётган муҳим тадбирдир.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
Э. ЭРНАЗАРОВ.

Чирчиқ трансформатор заводининг илғор ишчиси Ф. Сарвардиновнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У айни кунларда 1979 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ
ТАСС

Маҳсулотни янгилаш йўлидан

«Нерис» фирмасининг (Литва ССР) асосий заводида йиғув цехининг янги корпуси ишга тушди. Цехнинг бу янги корпуси ўт талқони ишлаб чиқариш учун қўшимча равишда мингта агрегат тайёрлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатда озуқа тайёрлайдиган агрегатлар ишлаб чиқарувчи энг йирик фирма бўлган ана шу «Нерис» фирмаси шу беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириши лозим. Фирма корхоналари ҳозир реконструкция қилинмоқда. Энг йирик чорвачилик комплексларининг озуқа тайёрлаш цехлари учун грануляторлар ишлаб чиқарадиган цех қурилмоқда. Заводлардан бирида технология ускуналари монтаж қилина бошланди. Сўнгги йил ичида фирма ишлаб чиқараётган маҳсулотни батамом янгилади.

Тежамкорлик кўриги

Молдавияда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тежамкорлик режимини кучайтириш резервларини аниқлашнинг жамоат кўриги бошланди. Республикадаги кўпгина корхоналарда ва қурилишларда ана шу кўрик қатнашчиларининг дастлабки таклифлари қабул қилинди. Масалан, Тирасполдаги С. М. Киров номли қуйиш машиналари ишлаб чиқарадиган завод мутахассислари асосий маҳсулот тайёрлаш учун ишлатиладиган тахта металлни оқилона бичиш методини ишлаб чиқдилар. Ўнлаб тонна прокатни тежаб қолиш йўли билан қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Республика кўригини ўтказишдан мақсад — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида белгиланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Клуб—тажрибани пропаганда қилиш маркази

Эстонияда хизмат кўрсатган бинокор, «Таллинстрой» трести сувоқчилар бригадасининг бошлиғи В. Минзуга меҳнат маҳорати рамзи бўлган калит топширилди. Бинокорлар клубининг маъмурияти ана шу мукофот билан меҳнатнинг илғор методларини оммалаштириш соҳасидаги унинг актив ишини тақдирлади.

Бундай пропаганда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашда касаба союз ташкилотининг ёрдамчиси бўлган клубнинг асосий вазифаларидан биридир.

Трест коллективи бу йил топшириқда кўзда тутилган объектларни муддатидан илгари ишга тушириш мажбуриятини олди. Бу соҳада клуб ҳам кўп иш қилиши лозим. Клубнинг яқин вақт учун белгиланган планларида Таллиндаги уйсозлик комбинатининг бригадири Е. Комаров тажрибаси асосида биноларни жадал монтаж қилиш методини пропаганда қилиш мўлжалланмоқда.

ЖИПСЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Совет хотин-қизлари комитетининг пленуми 10 февраль куни ўз ишини тамомлади. Пленум икки кун давомида Москвада ўтказилди.

Пленумда ҳозирги босқичда тинчлик ва қуролсизланиш учун бундан буён олиб бориладиган кураш программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар ҳақида комитет раиси В. В. Николаева-Терешкованинг доклади муҳокама қилинди. Совет хотин-қизлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг изчил тинчликсевар сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганликлари пленумда таъкидлаб ўтилди.

Пленум жаҳон хотин-қизларига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда жаҳон хотин-қизлари тинчлик, қуролсизланиш, демократия ва социал тараққиёт учун курашда куч-ғайратни бирлаштиришга даъват этилади.

(ТАСС).

«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН»

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Журналистлар союзи билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети Тошкентда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V халқаро кинофестивали ишига бағишланган энг яхши мақолалар, телепрограмма ва радиоэшиттириш (очерк, мақола, репортаж, суҳбат, фоторепортаж), шунингдек хроникали фильмлар республика конкурсини эълон қилдилар.

Энг яхши ишлар Ўзбекистон Журналистлар союзининг пул мукофотлари ва дипломлари билан тақдирланади. Конкурс 1978 йилнинг майидан сентябригача ўтказилади.

СТУДЕНТЛАР—МЕҲМОНЛАР ҲАМРОҲИ

Тошкентдаги чет тиллар педагогика институти билан бошқа ўқув юртларининг ўнлаб студентлари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг шу йил май ойида Ўзбекистон пойтахтида бўладиган бешинчи халқаро кинофестивалида қатнашиш фахрий ҳуқуқини оладилар. Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги уларни таржимонлар сифатида тавсия қилди. Инглиз, француз, испан, немис ва араб тилларида, шунингдек ҳинд тилида гапира оладиган студентлар чет эллик меҳмонларга ҳамроҳ бўладилар, уларга Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатадилар.

Бўлғуси таржимонлар махсус курсларда экскурсия ишининг хусусиятлари, жонажон шаҳар тарихи билан танишадилар, кино санъатини ривожлантиришнинг актуал проблемалари юзасидан лекциялар тинглайдилар. [ЎзТАГ].

МУСОБАҚА: ТАШАББУС, ТАЖРИБА, САМАРА

ИШЧИЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Беш йилликнинг зарбдор қурилишлари—«Совет Ўзбекистони» назоратида

Самарқанд суперфосфат заводини қуришда қатнашаётган бинокорлар, монтажчилар ҳамда корхонани ишлатувчилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Мазкур ҳужжат катта қурилишнинг барча участкаларида муҳокама қилинди.

— Юксак самарадорлик ва сифатга эришиш, — деди муҳокама чоғида республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Узстальконструкция» трестининг Самарқанд бошқармаси монтажчилар бригадаси бошлиғи А. Бўронқулов, — капитал қурилишни тубдан яхшилаш, ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш билан боғлиқдир. Биз, самарқандликлар ана шунга амал қилиб келяпмиз.

Қурилишда аъло сифатни таъминлаган ҳолда юксак меҳнат унумдорлигини қўлга киритаётган коллективлар сони кўпайиб бормоқда. Шулардан бири Бўронқулов бошлиқ бригададир. Бўронқулов 26 йилдирки, саноат корхоналарини барпо этишда иштирок этиб келади. У олтингугурт ва аммофос ишлаб чиқарадиган комплекснинг биринчи навбатини қурди. Эндиликда эса минерал ўғит ҳосил қиладиган корхонанинг иккинчи навбатини бунёд этаяпти. Ҳозир ушбу бригада Польша Халқ Республикасидан келтирилган «А-1» минорани ўрнатиш билан банд. Бу ишда машинист К. Хаматов, монтажчи слесарлардан В. Дмитриев, ака-ука А. ва В. Качурин, Ў. Абдураззоқов, электр пайвандчи С. Собировлар аниқ иш маромини таъминламоқдалар. Бригада Мактуб билан танишиб чиққач, ҳар бир иш жойида технология жараёнини янада яхшилаш йўлларини атрофлича муҳокама қилиб чиқди. Улар бунда суперфосфат заводининг биринчи навбатини тиклашда орттирган бой тажрибаларини бирма-бир таҳлил қилдилар. Ўтган йилдаги ютуқларига суяндилар. Ҳа, фахрланса, арзийди у ютуқлар.

Юбилей йилида бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз маҳоратини оширди. Ўртача 17 минг сўмликдан зиёд юмушни бажарди. Улар зарбдор йилда бу кўрсаткични орқада қолдиришга аҳди паймон қилдилар.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Самарқандхимстрой» бирлашмаси, республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотлари ва суперфосфат заводи коллективи 1978 йил учун оширилган социалистик мажбурият олиб, барча турдош коллективларга иккинчи навбатни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш юзасидан «Ишчилар эстафетаси» принциплари асосида комплекс мусобақа ўтказиш тўғрисида мурожаат қилдилар. Қурувчилар, монтажчилар ва завод ишчилари олтингугурт ҳосил қилувчи комплексни Бинокорлар кунигача, белгиланганидан 48 кун илгари ишга тушириш, аммофос ишлаб чиқариш комплексини эса, Улуғ Октябрь 61 йиллигигача, яъни кўзда тутилганидан 54 кун олдин ишга туширишга сўз бердилар.

Уларнинг бу ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Зарбдор қурилишда «Ишчилар эстафетаси» штаби ташкил этилди. Унга ишга тушириладиган комплекслар группаси раҳбари, ёш, аммо тажрибали инженер В. Иванченко бошчилик қилмоқда. Қурилиш комсомол штабининг бошлиғи А. Анисимов унинг ўринбосарлигига тайинланди. Штаб аъзоларидан: 93-махсус трестнинг «Промтехмонтаж» бошқармаси монтажчиси А. Тутик, «Самарқандхимстрой» бирлашмасининг 703-созлаш бошқармаси электрчиси М. Мансуров ва суперфосфат заводи слесари В. Чукаевни катта қурилишнинг барча участкаларида кўриш мумкин. Уларни турдош коллективлар аниқ бир маромда ишлаяптими, моддий-техника ресурслари таъминотида узилишга йўл қўйилмаяптими, ҳамма нарса қизиқтиради. Штаб шу кунларда «Средазтепломонтаж» тресги Фарғона «Химзащита» бошқармаси Самарқанд участкаси фаолиятини ўрганмоқда. Чунки, мазкур участка ишчи кучи етишмаслиги туфайли тобора ўсиб бораётган иш кўламини уддалай олмаяпти. Демак, бу коллективга ёрдам бериш керак. «Ўзаро даъводан — ўзаро ёрдамга!» шиори остида ҳаракат қилаётган штаб ускуналар, машиналар, конструкциялар етказиб бериши лозим бўлган заводлар билан алоқани яхшилаётир.

Минерал ўғит ишлаб чиқарувчи қувватларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишдек ҳам масъулиятли, ҳам фахрли ташаббусни бошлаган самарқандликларнинг даъватини Ўзбекистондаги ва бошқа республикалардаги кўплаб коллективлар қўллаб-қувватлаётирлар. Сўз — мутахассислар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига.

С. ОМЕРОВ, Ўзбекистон ССР қурилиш министри:

— «Самаркандхимстрой» трестининг ташаббуси министрлик коллегияси ва тармоқ касаба союзлари республика комитети президиумининг қўшма йиғилишида кўриб чиқилди. Барча ташкилотларга самарқандликларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳнатни ташкил қилишни бундан буён такомиллаштириш, ҳақ тўлашнинг илғор усулларини оммалаштириш, бригада пудрати ҳамда рационализаторлик таклифларини ва илғор техника счимларини жорий этиш мажбурияти юкланди. Қурилишларда йиғма ҳолда тикланаётган объектларни 80 процентга етказишнинг ўзи меҳнат унумдорлигини 2,2 процент оширади.

И. БОРОДАВКО, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри:

— Самарқандликларнинг комплекс мусобақани бошлаш ҳақидаги чақириғи министрлигимиз ва тармоқ касаба союзлари республика комитетининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилиш министрлигимизнинг Самарқандда тўпланган ташкилотлари, шунингдек, қурилиш ходимлари касаба союзи Самарқанд область комитети ва «Самаркандхимстрой» бирлашган қурилиш комитети зиммасига ишларни жадаллаштириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, қурилиш майдончасида етарли шарт-шароит яратиш учун амалий чоралар кўриш вазифасини юклади. Натижада ишга тушириладиган комплексларда қатнашаётган ишчилар ва инженер-техникларнинг сони ўтган йилнинг декабрига нисбатан январь ойида икки баробар ошди. Монтажчилар имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун икки сменада меҳнат қилмоқдалар.

М. МЕМЕТОВ, «Стройкомплект» трести бошқарувчиси:

— Коллективимиз суперфосфат заводи қурувчилари ва монтажчиларининг ватанпарварлик ҳаракатини қувватлаб, фойдаланишга топшириладиган комплексларни йиғма темир-бетон ва дурадгорлик маҳсулотлари билан барвақт таъминлаш мажбуриятини олди. Шунга кўра аниқ график тузиб чиқилди. Самарқанд бинокорлик комбинати олтингугурт ишлаб чиқарувчи корхонага зарур плиталар ва бошқа элементларни февраль ойидаёқ жўнатади. Қурилишнинг бу муҳим буюртмасини тайёрлаш тажрибали бригадаларга топширилди. Ҳозир, тайёр маҳсулотларни ташиш узлуксиз боряпти. Аммофос ҳосил қилувчи комплекс майдончасида бинолар синчбоп темир-бетон конструкциялар ва бошқа хил қисмлар вагонлардан пешма-пеш туширилмоқда. Экстракция ва аммофос цехларини 2700 куб метр ҳажмида йиғма-темир бетон ва дурадгорлик маҳсулотлари билан таъминлашни апрель ойида тугаллаймиз.

Қардош республикалардаги турдош коллективлар ҳам ягона занжир асосида ҳаракат қилмоқдалар. Экстракция цехидаги айланма вакуум-фильтр монтажига Свердловскдаги «Уралхиммаш» заводи вакиллари раҳбарлик қилмоқдалар. «Пензахиммаш» заводи азаматлари ҳам қурувчилар юзини шувут қилмаслик, фойдаланишга топшириладиган комплексларни зарур ускуналар билан таъминлашни анча илгари тугаллаш тўғрисида самарқандликларни ишонтирдилар. Уларнинг сўзлари билан ишлари бир хил чиқмоқда. Масалан, аммофос цехи учун 67 тонна оғирликдаги биринчи барабан қуритиш мосламаси монтаж майдонига келтирилди. Уни «Узстальконструкция» трестининг Самарқанд бошқармаси махсус базасида СССР Химия саноати министрлигига қарашли «Союзхиммашмонтаж» Москва трести ишчилари йиғиб йириклаштирдилар. Аммофос комплексидаги 160 метрли мўриларни монтаж қилиш учун «Союззапстальконструкция» трестининг Архангельск бошқармасидан махсус бригада етиб келди. Архангельскликлар маҳаллий монтаж ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда бу мураккаб ва масъулиятли операцияни амалга оширишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Свердловскдаги «Уралгипрохим» лойиҳалаш институтидан ташриф буюрган ишчи группаси турдош коллективларни зарур чизмалар билан ўз вақтида таъминлаб турибди. «Ишчилар эстафетаси» мусобақасига Тўйтепадаги металл конструкциялари заводи, бинокорлик материаллари корхоналари, автомобиль транспорти хўжаликлари коллективлари ҳам қўшилмоқда.

Тўғри, ҳали ҳамма муаммолар ҳам тўла ҳал қилинганича йўқ, қурилишда иштирок этаётган барча ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатишга эришилмади. Лекин «Ишчилар эстафетаси»нинг дастлабки самараси яққол кўзга ташланмоқда. Ускуналар, конструкциялар ва материалларни ўз вақтида ва муддатидан илгари етказиб бераётган заводларнинг ҳаракатидан руҳланган самарқандликлар мақсад сари дадил интилмоқдалар.

Мусобақанинг бу янги формаси Ўзбекистон тупроғида илдиз отмоқда. Уни ўнинчи беш йиллик учинчи йилидаги ишга тушириладиган бошқа объектларда ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқлиги КПСС Марказий Комитетининг куни кеча қабул қилган қарорида ҳам алоҳида кўрсатилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Норак ГЭСи бунёдкорларига йўллаган мактубида турдош коллективларнинг «Ишчилар эстафетаси» деб аталган комплекс мусобақасига юксак баҳо берди. Чунки, «Ишчилар эстафетаси» қурилиш конвейерида ишнинг аниқ бир маромда боришини таъминлайди. Ишчи коллективларини яқинлаштиришда, маънавий ҳислатларни тарбиялашда эса «Ишчилар эстафетаси»нинг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти ундан ҳам катта.

И. АХМЕТОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«СУВГА АЙТИЛГАН ТУШ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган (газетамизнинг ўтган йил 23 ноябрь сони) мақолада «Коммунист» колхози айрим участкаларида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаблар даражасида эмаслиги қайд қилинган эди.

Қуйида Орджоникидзе район партия комитетидан олинган жавобнинг қисқа мазмуни билан танишасиз.

«Коммунист» колхози территориясида 16 километр узунликдаги водопровод линияси қурилди. Бу йилги планга асосан «Коммунист», «Учқўрғон» участкалари ҳам водопроводлаштирилади. Янги ҳаммом қурилиши кўзда тутилган. Озиқ-овқат магазини эса ишлаб турибди.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

АЗИЗ МЕҲМОН

Миршоди қишлоғидаги 81-полк хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдонида одам тирбанд. Бу ерга уруш ва меҳнат ветеранлари, мактаб ўқувчилари, қўшни колхоздан меҳмонлар ташриф буюришган. Буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган митинг давом этарди. Мангуликка даҳлдор сиймолар ҳурмати бажо келтирилди.

Кўзлар ҳайкалга тикилади. Боласидан ажраган бўтадек бўзлаётган она кўзларида шашқатор ёш. Ўғлон эса кўкрагини қалқондек кериб турибди. У мангу тирик. Шу тобда одамлар қалби тўлқинланди. Буғдойранг, хушбичим, сочларига оқ оралаган Омонтурди аканинг кўз ўнгидан уни оқ йўл тилаб фронтга кузатган онаизори, тинимсиз жанглар, замбараклар наъраси, бомбалар портлаши гавдаланди. Омонтурди хаёлини йиғиб олиб, минбарга кўтарилди. Қарсак садолари янгради. Унинг сўзларини эшитиб фронтчи дўстлари оёққа қалқди.

1942 йил. Фашистлар Германияси жон-жаҳди билан ҳужумни авж олдираётган, Ленинград қамал қилинган, Сталинградда жанглар қизиган кезлари. Омонтурди ака фронтга йўл олди. У ҳарбий тайёргарликдан сўнг Шимолий Кавказ фронтида 70-дивизиянинг 36-отлиқ полки жангчилари сафида жангга кирди. Омонтурди Жумаев кейинчалик 4-Украина фронтининг 6-ўқчи корпусида хизмат қилди. У жангларда ўзини кўрсатди. Командирлар ишончини оқлади. Шу боисдан О. Жумаевни офицерлар тайёрлаш мактабига юборишди. Лейтенант ҳарбий унвонини 1-гвардиячи армияда олди.

Қош қорая бошлаган. Отишма давом этмоқда. Лейтенант Омонтурди Жумаевни полк штабига чақиришди. Штабда разведкага бориш тўғрисида топшириқ берилди. Мақсад аниқ: «тил» олиб келиш, душман кучини аниқлаш, жойни ўрганиш...

Разведкачилар йўлга чиқишди. Мьюз дарёсидан қайиқда сузиб ўтишди. Душман томонга эмаклаб бориб, «тил» қўлга киритишди. Рақиб бизнинг разведкачиларимизни сезиб қолди. Улар ракета отишди, пулемётлар сайрай бошлади. Разведкачилар душманга усталик билан чап бериб, дарё ёқасига келишди. Тўрт жангчи дарёга ғарқ бўлди. Қолганлари штабга қайтиб келишди. Лейтенант Омонтурди Жумаев штаб бошлиғи ҳузурига кириб келди.

— Топшириқ бажарилди, — деди штаб бошлиғига. Эртасига полк жанг олдидан саф тортди. Полк командири Виталкин:

— Балли, ўзбек ўғлони! — дея Омонтурдининг елкасига қоқди ва унинг кўкрагига иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденини тақиб қўйди. Бошқа қуролдошлари ҳам орден ва медаллар билан мукофотландилар. Полк яна шиддат билан жангга кирди.

Қурама қишлоғига оқшом қўнди. Аҳил оила аъзолари тўкин дастурхон атрофида ўтиришибди. Уй бекаси Турсун опа ўрнидан қўзғалди-да:

— Отаси, сизга бугун почтальон хат олиб келувди, — деди-да, шкафдан конвертни олиб Омонтурди акага узатди. У хат адресига кўз югуртирди: Доғистон АССР Буйноқ райони, Имомиддин Одилхонов.

— Имомиддин Одилхонов! У билан офицерлар тайёрлаш мактабида бирга ўқиганман. Омонтурди аканинг кўз ўнгидан яна фронт йўллари ўтди.

Ростов шаҳри учун жанглар кетмоқда. Бу шаҳар учун бўлган жанг қўмиқ элатининг фарзанди Имомиддин Одилхонов ҳаётида ажойиб из қолдирди. Рота командири ўринбосари И. Одилхонов жанговар вазифани аъло даражада бажаргани учун «Қизил Юлдуз» орденига сазовор бўлди. Шу ерда дўсти О. Жумаев билан яна учрашди. Омонтурди ака ҳам «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Уларнинг дўстлик иплари янада мустаҳкам боғланаверди. Днепр ёқасидаги жанглардан бирида автоматчилар ротаси командири Имомиддин Одилхонов қаттиқ ярадор бўлди. У беҳуш ётарди. Дўсти Омонтурди Имомиддинни кечқурун елкасига кўтариб санчастга олиб борди. У Ессентукида 5 ой даволаниб, яна сафга қайтди. Ўз қисмига Карпатда етиб олди. Яна дўстлар дийдор кўришишди. Бирга жангга киришди. Карпат, Ғарбий Украина, Румыния, Польша учун бўлган жанглар ортда қолди.

Омонтурди ака урушни Триковода якунлади. Прагани озод қилишда қатнашди. Урушдан сўнг она юрти Ўзбекистонга, Сурхон воҳасига қайтиб келди. У тинч меҳнат фронтида ҳам ўзини кўрсатди. Кўп йиллар колхозда бригадирлик қилди. У ҳозир Шўрчи районидаги Карл Маркс номли колхоз ветеранлар Советининг раиси. Хўжалик раҳбарлари О. Жумаевга граждан мудофааси ишларини ишониб топширишган. У бу ишни сидқидилдан бажармоқда.

Омонтурди Жумаев ўтган йили қуролдош дўсти И. Одилхонов хонадонининг азиз меҳмони бўлди. Қуролдош дўстларнинг учрашуви ҳақида Буйноқ район ва шаҳар партия комитетининг органи «Луч коммунизма» газетасида мақола босилди. Қуролдош дўстлар Махачкала радиоси ва телевидениеси орқали жанг хотираларини сўзлаб беришди.

Имомиддин Одилхонов Буйноқдаги консерва заводида слесарь бўлиб ишлайди. Омонтурди ака Имомиддин Одилхонов билан ҳамон хат ёзишиб туришади. Бу гал И. Одилхонов Омонтурди аканинг уйига меҳмонга келади. Аҳил хонадон ўз азиз меҳмонини интизорлик билан кутмоқда.

Н. ҚОРАҚУЛОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

⊙ НУКУС

«Приаралводстрой» трестига қарашли гидромеханизация кўчма механизациялашган колоннасининг олтита қудратли земснаряди автоном республикадаги сизот сувларнинг кўп қисми оқиб тушадиган катта-катта коллекторларга кирди. Жами узунлиги салкам уч юз километрга борадиган ана шу магистраллар реконструкция қилина бошланди. Шу ишлар тугагандан кейин уларнинг сув ўтказиш қобилияти уч баравардан зиёд ошади.

«Унумдорлик артериялари»нинг янгиланиши Амударёнинг сўл ва ўнг соҳилларида Орол денгизи яқинидаги жуда кенг территориянинг мелиоратив ҳолатини анча яхшилаш имконини беради. Шоли етиштириладиган асосий массивлар шу ерда жойлашган.

⊙ КОМСОМОЛОБОД

Сурхондарё областининг жанубида қурила бошланган «Искра» насос станцияси котлованидан дастлабки кубометр тупроқ қазиб олинди. Қудратли агрегатлар Шеробод даштидаги 30 минг гектар пахтазорни яхшилаб суғориш имконини беради, шоли етиштириш учун қўриқ массивларнинг ўзлаштирилишини таъминлайди. Бу ерда барпо этилаётган ирригация комплекси 40 километрли машина канали қазилишини ҳам кўзда тутади.

Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг сут товар фермаси коллективи зарбдор 1978 йил мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқда. Мусобақадош дугоналар М. Жўраева ва А. Мадиевалар ойлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна бўлишяпти.
Т. Ҳамроқулов фотоси.

ҚАРШИ ЧЎЛИ—ДУРДОНАЛАР ДИЁРИ

БАҲОР ТАРАДДУДИ

Қашқадарёнинг Усмон Юсупов районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози устахоналарида ремонт ишлари кун сайин, соат сайин қизгин тус олмоқда. Слесарлар, токарлар, пайвандчилар, хуллас, қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам экиш кампаниясига созлаётган техника ихлосмандларининг қўли-қўлига тегмайди. Бир томонда ҳар хил деталлар йўнилаяпти, иккинчи томонда моторлар йиғиляпти, яна бошқа бир жойда ремонтдан чиқарилган тракторлар бўёқдан чиқариляпти. Ҳамма ўз иши билан банд. Тўла ремонт қилиб бўлинган қишлоқ хўжалик машиналари бошқа бир бостирмада тизиб қўйилган.

Сифат комиссияси созланган техникани синчиклаб кўздан кечириб, қабул қилиб олмоқда. Район партия комитетининг секретари Тўрақул Хўжақулов ҳам, район ижроия комитетининг раиси Алиқул Орзиқулов ҳам шу ерда. Ҳа, улар ҳам ремонт сифатини текшириб юришибди.

— Техника соз бўлса — ташвиш ҳам, машаққат ҳам оз бўлади, — дейди совхознинг бош инженери Эгамберди Ниёзқулов. — Қишлоқ хўжалик машиналари, хусусан, ҳайдов ва чопиқ тракторлари бенуқсон ремонтдан чиқарилса, уларни тўхтовсиз, зарур бўлганида кечаю кундуз ишлатиш имкониятига эга бўламиз. Шу боисдан ҳар бир трактор қандай ремонт қилинганлигини биргина эмас, бир неча комиссия пухта текширишдан ўтказиб, қабул қилиб оляпти.

Бош инженер ҳақ гапни айтди. Совхозда техникани созлаш, эҳтиёт қисмлар билан тўла-тўкис таъминлашга биринчи даражали иш деб қаралмоқда. Шу боисдан ҳам тракторларни ва бошқа техника воситаларини ипатоволиклар методи асосида ремонт қилаётган кишиларга барча шароитлар яратиб берилган. Шунинг учун ҳам ремонт бўйича иш олиб бораётган учта отряднинг ҳаммаси ишни сифатли бажаряпти. Эгамберди Ниёзқулов бошлиқ бўлган отряд ишни график асосида ташкил этиб, қисқа вақт ичида 30 та чопиқ трактори ва 40 та сеялкани бенуқсон ишлайдиган қилиб созлаб қўйди. Бош механик Мели Жумақулов бошчилигидаги ремонтчилар отряди ҳам шу кунга қадар 20 та ҳайдов ва 30 та чопиқ тракторини сифатли ремонтдан чиқарди. Бу техника сифат комиссияси ҳамда район партия комитети томонидан тузилган махсус комиссиянинг яхши баҳосини олди.

Баҳорги экиш кампаниясига оз вақт қоляпти. Экиш-тикиш ишларини қисқа муддатда сифатли қилиб ўтказишга одатланиб қолган техника жонкуярлари ҳозиргача 60 та ҳайдов, 90 та чопиқ тракторлари, 120 та сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сифатли ремонтдан чиқариб қўйишди.

— Биз ҳар йили ҳам техникани мавсумга барвақт тахт қилиб қўямиз, — деди совхоз директори Тўрақул Бекмуродов. — Бу эса, чигит экишни ўз муддатида тугаллаш ва уруғни тупроқнинг табиий намига қийғос ундириб олиш имкониятини беради. Ўтган йили ҳам худди шундай қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирган эдик. Давлатга пландаги 8300 тонна ўрнига 8804 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 91 проценти «зангори кема»лар бункеридан бўшатилди. Йиғим-теримда барвақт, сифатли ремонт қилиб қўйилган машиналар қўл келди, чўлқуварларнинг оғирини енгил қилди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида режаларимиз янада катта. Баҳорда 4400 гектар майдонга барака уруғи қадаймиз. Шу ерлардан 9450 тонна пахта йиғиштириб олиш планлаштирилган. Лекин план биз учун чегара эмас. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби чўлқуварларнинг меҳнат активлигини янада кучайтириб юборди. Улар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, барча резервлардан ҳамда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб бу йил камида 15 минг тонналик оқ олтин хирмони бунёд этамиз дейишяпти. Барча тайёргарлик ишлари ҳам ана шунга қаратилган.

Баҳорги экиш кампанияси яқинлашгани сари совхоз устахонасида, далаларида олиб борилаётган ишлар тобора қизитилмоқда. Чигит экишда қатнашиши лозим бўлган тракторлар, плуг ва сеялкалар тўла ремонтдан чиқарилиб, шай қилиб қўйилди. Майда сув шохобчаларини тозалаш ниҳоясига етказилмоқда. Далага кўплаб ўғит ташиб чиқарилаётир. Айни вақтда механизаторлар махсус курсларда ўқитилиб, экишда қатнашадиган агрегатларнинг экипажлари танланиб, бўлимларга, бригадаларга бириктилмоқда. Ҳадемай уруғлик чигитни ташиб олишга киришилади. Уни вақтинча сақлаш учун махсус бинолар ажратилиб, ремонт қилиб қўйилган.

Ҳаво юришиб кетиши биланоқ совхоз далалари тағин гавжумлашади. Тракторлар наъра тортиб, сахий ер сийнасига уруғ қадала бошлайди. Ижодий меҳнат симфонияси олтин водий бўйлаб баралла янграйдиган кунлар узоқ эмас. Совхоз чўлқуварлари ўша кунни орзиқиб кутишяпти.

Я. ТЎХТАЕВ,
С. ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

МИРМУҲСИН

ЖАНУБ ГУЛИ

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Кечадан бошлаб яна ҳавонинг авзойи бузилиб, Вахшивор, Бойсун тоғлари оша шитоб билан сузиб келаётган қорамтир булутлар кўк юзини қоплай бошлади. Шундай долзарб кунларда елиб-югуришларни уч пул қилиб, табиат бир ўйин кўрсатмаса яхши бўларди! Кучли шамол тўзон кўтариб, далалар узра гувуллар ,дов-дарахтлар бошини эгар, рўмолларни учириб, чиябўридек этаклардан тишлаб тортарди. Ора-чора чақмоқ чақиб, момақалдироқ еру кўкни ларзага солар, гумбурлашлар ваҳимаси юракларни чангалларди. Шамол аралаш битта-яримта совуқ томчилар лаққа чўғ танларга тушиб «жазз» этиб буғланиб кетгандай бўларди. Кечга яқин ёмғир япроқларга урилиб, тинимсиз шитирлаш бошланди. Ҳаво босимининг оғирлашгани ёш-ялангларни қўрқита олмаса ҳам, кексаларни эзарди... Лекин далаларда тер тўкаётган йигит-қизларнинг осмон қошқовоғига қарашга, қон босимини ўлчатишга вақти йўқ: қош устида дала қуруми, лаблар ёрилган, яноқлар анор, қўл-қўлга тегмасди. Ёмғир ҳаммани шоширди, олис-олисда терим машиналари ҳам вағиллаб, ғўзаларнинг чангини чиқариб, шимирарди... Катта йўлнинг ўнг томонидаги кенг майдонда теримчилар ёйилиб пахта теришарди. Пешоналар тангилган, енглар шимарилган, нигоҳлар оппоқ лўппи пахтада. Бу кунларда шаҳарликларнинг кўзи сводкада — республика кунига икки фоиз пахта бераётгани қалбларга қувонч соларди. Ўзбекистонда пахта ишига алоқам йўқ, дейдиган кимсанинг ўзи йўқ. Далаларда бўлса, одатдагидек «ҳа, бўл», «ҳа, бўл» авж олган, раисларнинг бош қашишга қўли тегмайди. Октябрь ойи масалани ҳал қилишини каттадан кичик яхши билар, шундоқ кунларда табиатнинг бу ўйини жуда ҳам қимматга тушиши ҳаммага маълум. «Ҳор-манглар...» деб меҳмондорчилигу таралла бедодликни кўзлаб, сангиб далага чиқиб қолган баъзи казо-казоларга ҳам ортиқча илтифот кўрсатишолмас, терим кунлари ёққан ёмғирдек ғоятда совуқ кўринарди. Мана, туни билан шаррос ёмғир ёғиб чиқди. Эртасига эрта билан яна авж қилди. Табиатнинг бу бемаврид ҳазили одамларни кўкрагидан итариб, уйларга қамади. Ҳатто яктаги шалаббо, кўкси очиқ, етим қўзидек бўзлаб дала кезиб юрган бригада бошлиғи — шоп мўйловли Қўчқорвой акалар ҳам ноилож уйга қамалди. Суйгинчиқ чақалоқдек талпиниб, мени олармикан, деб турган оппоқ, лўппи пахталар ҳам бўкиб, чаноқларда осилиб ётарди. Улар гўё талпиниб, интилиб, ёш жувонлар бағрига бош қўйиб, шу билан абадулабад бахтиёр бўлиб кетишдан маҳрум... Уйга қамалганларнинг кўзлари осмонда — қорамтир булутлар тинмай қуярди. Табиатнинг инжиқликлари олдида лол қолган инсон тишини тишига қўйиб, хонаки ишлар билан машғул бўлар, аммо кексалар «бу ҳам худонинг хоҳиши» деб юракка сабр тилашарди. Ёмғир ишнинг белига тепмаганида, планни яримга олиб бориб қўйиш мумкин эди. Ҳавони булут қоплаганда аксар бригадир Қўчқорвойнинг асаби қўзғар — терим кунларидагидан ташқари, кўкламда ҳам, қишда ҳам, ёзда ҳам булутли кунларда у диққинафас бўлиб, бўғилиб, асаблари қақшарди. Бу одам хафақон булуту мотоцикл тариллашига чидолмасди.

Бу дағдаға уч кунга чўзилди. Тўртинчи куни булутларнинг чоки сўкилиб, Вахшивор, Бойсун, Боботоғ тепасида осмон кўрина бошлади. Дарғазаб Аҳраман дев Сурхон водийси осмонида бўлак-бўлак бўлиб, Боботоғ томон, ундан Кофирнихон, Вахш даралари томон судралиб йўл олди. Куннинг ўрталарига бориб, Шўрчи, Денов, пастда Жарқўрғон, Шеробод, Термиз осмони ҳам чарақлаб очилиб кетди. Обкомдагиларнинг айтишича, Қарши, Қамаши, Шаҳрисабз, Толлимаржон далаларида ҳам тоза ёмғир қуйибди. Кеча Қаршида ёмғир ёққан бўлса, эртасигаёқ Денов, Шўрчида ёғади. Терим кунлари об-ҳавонинг қандай келиши ҳақида фақат обком эмас, ҳамма ҳам қизиқади. Лекин Сурхон водийсида фақат кузги ёмғир эмас, «афғон шамоли» деган бир дардисар ҳам бор...

Ёмғирдан кейинги ҳаво — қалбларга даво, осмон шишадек тиниқ, булоқ суви каби шаффоф эди. Бугун иккинчи октябрь. Тонготарда далага чиққан киши шарқ уфқида уч кунлик ҳилол чексиз денгизда олтин қайиқчага ўхшаб қалқиб турганини кўрарди. Ҳилол, ундан юқорироқдаги Зуҳро тўқ ложуворд пардага олтин ҳал билан чизилган эски кича «нун» ҳарфига ҳам ўхшаб кетарди. «Олтин қозиқ» атрофида мингларча юлдузлар йилтирар, улар кенг далада қўл узатса етадигандай яқин. «Етти қароқчи» Вахшивор чўққиларининг нариги томонига ўтиб кетибди. Тонготарнинг сарин насими юзларга урилар, ҳаво ниҳоятда яхши — кечаги бемаврид ёмғирдан «жафо» чеккан теримчиларга яктагидан анордек кўксини очиб, мана мен, азизлар, мен борман, дегандек бўларди. Теримчилар наридан-бери юз ювиб, нонушта қилиб, далага югуришди. Кенг далаларга офтоб тушиб ётибди. Ердан ховр кўтарилиб, ғўза устидаги ёмғир нами шудрингдек ғойиб бўлган. Фақат машиналарга рухсат берилмади: яна бир икки кун сабр қилиш керак. Пахтазорга сочилган теримчиларнинг қўли-қўлига тегмасди; ингичка толали ипак пахтанинг иши анча мушкул. У оқ пахтага ўхшаб кўпчиб, чаноғида лўппи бўлиб осилиб турмайди. У, ўз баҳосини билганиданми, сал «серноз», машаққатлироқ... Бошқа пахталарга қараганда ўзига кўпроқ парвариш талаб қилади. Ёз иссиғини мўл, сувни ҳам кўпроқ ичади. Бошимда офтоб, оёғим сувда турсин, дермиш. Культивацияни, қатор ораларида юришни яхши кўради, аммо оёғи остида ўралашадиган ёввойи ўтларни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам бир куни мажлисда Қўчқорвой: «Ипак пахтамиз сернозлиги, одамга иш орттириши билан Ханифахоннинг ёшлигига ўхшайди...», деган гап оғзидан чиқиб кетиб, балога қолган. «Вой, мен нега серноз бўлар эканман! Танқид ҳам ўлсин, одамни бундай ҳақорат қиладиган бўлса! Менга нима қипти! «Ёшлигида...» эмиш! Қўчқорвой ака мени «опа» деб юрганида индамаган эдим, энди мени «ача» деяқолсин! У кишининг қизлари тенги бўлсаму!..» деб гаримдоридек қизариб, кўзига ёш олган эди. Ўшанда чоллардан бири: «Ҳой, Қўчқорвой, ўйлаб гапириш керак! Ҳар қалай Ханифахон ўттиз йил илгариги жамалак соч Ханифа эмас, Ханифахон Бегимқулова. Раисамиз. Унинг обрўси — бизнинг обрўйимиз!» деган. Шунда хижолат бўлиб, пешонасини қашлаб қолган Қўчқорвой «Мен у маънода гапирганим йўқ, бу маънода гапирдим», деб кўзини лўқ қилиб ўтираверди. Шундан буён «ипак пахта» сўзи айтилса, Қўчқорвойнинг кўз олдида Ханифа Бегимқулова пайдо бўлади.

Ёмғирдан кейин ҳавонинг чарақлаб очилиб кетгани хуфтон дилларни равшан қилди — Сурхон водийсида раисларнинг қўли-қўлига тегмас, қулай шароитдан фойдаланиб қолиш учун ҳамма кучларни ишга ташлаш билан қаттиқ банд, бошқа унча-мунча пачаки ишларга вақт кетказиб ўтиришмас, фурсатни бой бермаслик учун қаттиқ жанг кетарди. «Афғон шамоли» ҳам бу томонларда тўсатдан пайдо бўлиб, ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб кетмаслиги учун ҳам отни қамчилаш керак. Ёшу қари — барча, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар — ҳамма-ҳамма далада. Чечан қўллар машина бўлиб, лўппи пахталарни олган билан яна олгуси келар, мана, мени ол, деб талпиниб тургандай бўларди. Шошиб, бир-бирларидан ўзиб, суқланиб, пахта теришарди. Баъзилар узоқ-узоқларга кетиб қолган, ҳаммадан ўзиш, ҳаммадан кўпроқ териш шавқи юракни қучган. Ёмғирдан кейин пахтазор бодроқдек оппоқ очилган, терган билан тергингиз келарди. Терим палласининг ўз файзу завқи бор — буни терганлар билади. Уйда ивирсиб, диққинафас бўлиб ўтирганлар қаёқдан билсин! Эрта тонгда туриб, ишга тушиб олиш қийинроқ — ёш боланинг юзини совуқ сувга ювганда йиғлаганидек, лекин юзини ювиб олгач, дили ёришиб, кайфи чоғлиқ бошланади. Худди шундай, теримга бир тушиб олгандан кейин қандай қилиб кеч бўлганини шоввозлар пайқамай қоларди.

Худди шундай ишнинг авжида, тушликка яқин узоқдан икки киши келаётганига теримчиларнинг кўзи тушди. Уларнинг бири Қўчқорвой ака эди, лекин иккинчиси ким эканини билишмади. Улар анча яқинлашгач, бошида сомон шляпа, костюм-шим кийган бўлса ҳам, ёқаси очиқ, зиёлинамо бир одам бригадир билан бирга хирмон ёнига келиб, теримчиларга қаради: «Ҳорманглар!» Шу атрофдаги қизлар бош кўтариб, нотаниш одамга салом беришди. Шу лаҳза бунда қаёқдандир пайдо бўлиб, бўйнига фотоаппаратини осиб, кўзлари олма кесак териб турган новча йигит ҳам Қўчқорвой акалар ёнига келди. Тарозибон, прицеп машиналарга пахта уювчи киши, шофер йигит ҳам улар билан қўл беришиб ҳол-аҳвол сўрашди. Сомон шляпа кийган кишини қизлар дафъатан бир қарашда мухбир хаёл қилишди. Чунки, кейинги пайтларда Қўчқорвой аканинг газетада мақталиб, маршал Будённийнинг мўйловига ўхшаш шоп мўйловини намойиш қилиб, каттагина фотосурати чиққандан буён у фотоаппаратни кўрса, ўзини тутиб туролмасди. Ўша кезларда кўп таниш-билишлар хушомад қилиб, мана, бир гап борки, Тошкентда чиқадиган катта газетада Қўчқорвойнинг сурати чиқди. Бундай ишлар бекорга қилинмайди. Эҳтимол, яна каттароқ орден олар, эҳтимол, Қаҳрамон бўлар, эҳтимол депутат, эҳтимол... Ҳар қалай, газета-журналда сурат чиқиши яхшиликдан белги. Ҳамманинг ҳам сурати чиқаверармиди! Шундоқ, бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўладиган Ханифа-ю Уғилойларнинг сурати ҳам чиққани йўқ. Лекин ойтовоқдек Нортожихоннинг сурати ҳар йили икки, уч марта чиқади. Москвада ҳам чиққан. Бу ҳам омадга қарайди, бўлмаса Тошбиби билан Чиннихол Нортожидан кам ишлайдими? Яна бунинг устига, Нортожи чаккасидаги гажагини, яноғидаги сунъий кўк холини кўрсатиб тушади. Бу аҳволга ўлай дейсизми, кулай дейсизми? Ханифахоннинг жигар бағри куйиб кетади. У шунча фотомухбирларнинг нишобини ўзига оғдирса ҳам бўлмайди. Опажон, сиз раисасиз, бизларга бевосита ишлаётганларнинг суратини олиб келинг, деб топшириқ берилган... Ўзингизга эсдаликка олиб беришим мумкин. Бу гап Ханифахонни бўшаштириб, тарвузини қўлтиғидан туширарди. Лекин бригадир Қўчқорвой ака мана шундоқ пайтлардан фойдаланиб, ўзининг ҳам, бригададаги илғорларнинг ҳам суратини олдириб қоларди. Новча фоточини ҳам ёнидан қўймай, бригадасига олиб келди. Сомон шляпали киши одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб олгач, ким қанча тераётгани, илғорлик кимнинг қўлида экани билан қизиқди. Табелчи йигит қизил кўйлагининг устидан нимча кийиб, сочини бошига чамбар қилиб олган қизни кўрсатди. «Эрта биландан саксон килодан оширди. Кечгача юз элликка олиб боради. Ҳозирча энг илғори шу!» Қўчқорвой ака билан сомон шляпали киши ялт этиб юз қадамча нарида қўли-қўлига тегмай пахта тераётган қизга қарашди.

— Оти нима? — Қўчқорвой ака табелчидан сўради.

— Онахон.

— Онахон! Ҳей, Онахон қизим, буёққа кел! — Қўчқорвой ака овозининг борича чақирди.

Қиз этаги тўлиб, оғирлик қилаётган пахтани хирмонга тўкишни мўлжаллаб турган эди. Катталар чақираётганини кўриб, қатор жўякларни бурчак қилиб кесиб, улар ёнига келди. Шу атрофдаги бошқа қизлар ҳам бригадир атрофини ўрай бошлашди. Сомон шляпали одам рўпарасига келган қорача, кўзлари ёниб турган қизга қўл узатиб, у билан омонлашди:

— Ишлар қалай қизим?

— Яхши.

— Кунига юз элликка етказаётган экансиз, табриклайман! Маладес!

— Унчалик эмас... Раҳмат!..

— Қизим, бу киши ўртоқ Жўрақулов бўладилар, — деди луқма ташлаб Қўчқорвой ака, — райкомнинг биринчи секретари. Отамиз, раҳбаримиз... — Мактаб болалари, айниқса, юқори синф ўқувчилари сал-пал «исёнкорроқ» бўлишини фаҳмлаб, тағин ноқулай бир гап айтиб юбормасин, деди. Лекин қиз жим турди. Бир муддатдан сўнг бригадир яна сукутни бузди. — Отинг нима эди, қизим?

— Онахон.

— Нечанчи синфда ўқийсиз? — Жўрақулов сўради.

— Ўнинчига ўтдик. Лекин ҳали синфга кириб ўқиганимиз, звонокни эшитганимиз йўқ. Теримга олиб чиқиб кетишди. Биз ишдан қочмаймиз, лекин бу йил давлат имтиҳони бор! Бунинг устига, бир томондан институтга борган кўплар йиқилиб қайтиб келишди, ўртоқ биринчи секретарь! Буёғи нима бўлади?! Ўқиш сифати паст, айниқса, математика, химия, тарих... Қишга бориб, дарс устига дарс...

(Давоми тўртинчи бетда).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТАСЛИМЧИЛИК ЙЎЛИДАН

Ғарб матбуоти «Садат ташаббуси» деб аталган нарсани кўз-кўз қилиб, мақташига қарамай, Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш иши мутлақо жойидан қўзғалгани йўқ. Қоҳира билан Тель-Авив тузган сиёсий ва ҳарбий комитетлар бир фикрга кела олмасдан ўз ишини тўхтатиб қўйганидан кейин матбуотда Миср—Исроил музокаралари боши берк кўчага кириб қолганлиги тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлди. Ҳатто Садат истеъфога чиқмоқчи эканлиги тўғрисида ҳам гап очилди.

У истеъфога чиққани йўқ, балки Вашингтонга зиёрат қилиб бориб, АҚШ президенти Ж. Картер билан учрашди, сенаторлар, конгрессменлар ва бошқа сиёсий арбоблар олдида нутқ сўзлади.

Хўш, Садат Қўшма Штатларга нима учун борди? Тель-Авив ҳеч бўлмаса бирон-бир масалада Қоҳиранинг истакларини қабул қилиши, шу тариқа араб жамоатчилиги кўз олдида унинг таслимчилик йўлини оқлаши учун Америка раҳбарлари Тель-Авивга зора тазйиқ ўтказсалар, деган умидда эканлигини унинг ўзи ҳам яширмади.

Миср президенти Вашингтонда нимага эришди? Ж. Картер АҚШ ўзининг Исроилга нисбатан сиёсатини ўзгартирмоқчи эмаслигини унга равшан шама қилди. Исроил оккупация қилиб олган араб ерларини бўшатиб берсин, дейилган талаб ҳам Вашингтонда қўллаб-қувватланмади.

Бунинг устига Исроил раҳбарлари ўзларининг Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш хусусидаги позициясини асло ўзгармаганлигини яна бир бор таъкидладилар. Жумладан, Исроил бош министри Бегин Америкадаги «Майами геральд» газетаси мухбири билан суҳбати шундан далолат беради. Бу суҳбатда у Исроил оккупация қилиб олинган ҳамма араб ерларидан чиқиб кетиш тўғрисидаги талабга зинҳор рози бўлмайди ва фаластинлик араб халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бермайди, деб тўғридан-тўғри айтди. Бу талаблар, деди у, «Исроил учун ҳеч қачон мақбул бўлган эмас ва бўлмайди ҳам».

Ана шуларнинг ҳаммаси Садатнинг Исроил билан сепарат битим тузиш йўли уни таслимчилик позициясига келтириб қўйганлигидан дарак беради. У Исроилга жамики ён беришлари эвазига ҳеч вақо олгани йўқ.

Миср — Исроил сепарат музокараларига қарши чиқаётган бир қанча араб мамлакатлари раҳбарларининг куни кеча Жазоирда тамом бўлган кенгаши қабул қилган декларацияда президент Садат Яқин Шарқда одилона тинчлик ўрнатишга қарши қаратилган Америка сионистлар плани доирасида ҳаракат қилмоқда, деб таъкидланади. Бу планнинг моҳияти Женева сулҳ конференциясини Қўшма Штатлар билан Исроилга манфаатли шартлар асосида Исроил билан Миср ўртасидаги сепарат тил бириктириш билан алмаштиришдан иборат.

Бу тил бириктириш Яқин Шарқ проблемасини бартараф этишнинг барча асосий масалаларини атрофлича ҳал қилиш учун универсал халқаро механизм бўлган Женева конференциясини барбод қилишга қаратилганлиги ҳар қандай холис кузатувчига равшан.

ФРАНЦИЯ: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ САЙЛОВ АРАФАСИДА

Ҳозирги Франциядаги бутун воқеалар яқинда бўладиган парламент сайлови белгиси остида ўтмоқда. Бу сайлов 12 ва 19 март кунлари икки даврада ўтказилади.

Бу сиёсий воқеанинг муҳимлиги ва ҳатто ноёблиги шундан иборатки, бутун ҳозирги замон тарихи давомида биринчи марта французлар ҳозирги ҳукмрон режимнинг сиёсати тўғрисида ўз фикрларини овоз бериш йўли билан шунчаки изҳор этибгина қолмай, шу билан бирга икки йўлдан бирини ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи даражада танлаб олишлари керак. Бу танлаб олишнинг моҳияти — Франция ҳозирги буржуа консерватив ҳукумат бошлаб бораётган йўлдан бундан буён ҳам бораверишими керакми ёки сайловчилар сўл кучлар таклиф этаётган француз жамиятида чуқур демократик туб ўзгаришларни афзал кўрадиларми? — деган масалани ҳал қилишдан иборат.

Шу қадар жиддий танлаб олиш имконияти энди вужудга келганлигининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, сўнгги кантон ва муниципиал сайловлари, шунингдек жамоатчилик ўртасида ўтказилган ҳамма савол-жавоблар биринчи марта кўпчилик француз сайловчиларининг етакчи сўл партиялар, шу жумладан коммунистик партия номзодлари тарафида эканлигини кўрсатди. Январда ўтказилган савол-жавоблар натижасида сўл кучлар овозларнинг 51 процентини олган бўлса, ҳукмрон буржуа партиялари блокига катта ёшдаги французларнинг атиги 44 проценти ишонч билдирди.

Бироқ, айни вақтда мамлакатдаги сайлов олди вазияти шу қадар мураккаб бўлиб турибдики, ҳозирги пайтда март ойида бўладиган «сайловчилар билан маслаҳатлашув» (французларнинг сиёсий шевасида сайлов шундай деб аталади) натижаларини бирон кимса олдиндан айтиб бера олмайди.

Ҳукмрон коалициянинг асосий шериклари — Париж мэри Ж. Ширак бошчилигидаги голлчилар партияси билан республика президенти В. Жискар д'Эстэн тарафдорларини бирлаштирган республикачилар партияси ўртасидаги янги-янги зиддиятлар ва ҳатто шиддатли тўқнашувлар тўғрисидаги хабарлар матбуотда кун сайин пайдо бўлиб турибди.

Афсуски, сўл кучлар лагерида ҳам: Франция Компартияси билан социалистик партия ва сўл радикаллар ҳаракати ўртасида ўтган йил ёздан бошлаб ихтилофлар пайдо бўлди, сўнгра бу ихтилофлар кескинлашди. 1972 йилги қўшма ҳукумат программаси асосида ўз куч-ғайратларини бирлаштирган ана шу учала партия орадан беш йил ўтгач, бу программани ҳозирги шароитларга мувофиқлаштириб олиш тўғрисида бир фикрга кела олмади. Шунинг натижасида бўлғуси сайловнинг биринчи даврасида улар депутатликка номзодларнинг алоҳида-алоҳида рўйхатларини таклиф этиш ниятидадирлар.

Яқинда Парижда ўтказилган матбуот конференциясида француз коммунистларининг раҳбарлари янгиланган ҳаракат программасини таклиф қилдилар, бу программа мамлакатни чуқур сиёсий ва социал-иқтисодий кризисдан қутқазиб қолишни кўзлайди. Ҳамма етакчи сўл партиялар ҳозир шу программа асосида бирлашсалар, бу нарса уларнинг март ойида муваффақият қозонишларига кўп даражада ёрдам бериши шубҳасиз.

О. АНИЧКИН,
Е. БАБЕНКО.
(ТАСС).

ТАСС баёноти

Кейинги вақтларда Канадада халқаро кескинликни юмшатиш ва Совет—Канада муносабатларини яхшилаш душманларининг кампанияси кучайиб кетди. Канада маъмурларининг бир қанча совет ташкилотлари ходимлари мамлакатдан чиқиб кетсин, деган талаби ва уларнинг устига «рухсат этилмаган фаолият билан шуғулланди» деб мутлақо асоссиз даъво қўйилаётганлиги шу кампаниянинг сўнгги ифодаси бўлди.

Совет—Канада муносабатларига зарар етказиш мақсадини кўзловчи ана шу ҳаракатга Канаданинг махсус муассасалари ва уларни қўллаб-қувватловчи кучлар мадад бераётганлиги равшан, бу кучлар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни чигаллаштириш мақсадида доимо душманлик ҳаракатлари қилиб келмоқдалар. Канада матбуотининг хабарларига қараганда, Канада махсус муассасаларининг машмашалари, чамаси, уларнинг обрўси жуда путурдан кетиб қолганлиги билан изоҳланади.

ТАСС тегишли Канада маъмурларининг ҳатти-ҳаракатлари нодўстона ҳаракатлар, деб ҳисобланаётганлигини ва бу ҳаракатлар очиқдан-очиқ иғвогарлик мақсадларида қилинаётганлигини айтишга вакил қилинган.

НАСАнинг баёноти

ВАШИНГТОН. **Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (НАСА) «Скайлэб» станциясининг яшаш муддатига тааллуқли маълумотларни аниқлаб чиққач, Американинг Ер атрофи орбитасида бўлган шу космик станцияси келаси йили ерга қулаб тушиши мумкин, деб хабар қилди.**

Илгари хабар берилганидек, «Скайлэб» орбитасини ўлчашдан маълум бўлишича, 85 тонна оғирликдаги космик станция баландлигини фараз қилинганидан анча тез йўқотиб бормоқда. У 1973 йилда орбитага чиқарилган ва даставвал НАСА станцияни янада баланд орбитага ўтказиш ёки уни тормозлаш учун 1980 йилнинг охирида космик кема ёрдами билан «Скайлэб» бортига мотор установка чиқаришни мўлжаллаганди. Станция тормозланганидан сўнг атмосферага киргач, унинг қолдиқлари океанга тушиши тахмин қилинганди.

ПЕКИНДАГИ КУРАШ ТИНИМСИЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хитойда вилоятлар ва марказга бўйсунувчи шаҳарлар революцион комитетларининг янги составини тузиш тугалланмоқда. Маочи ҳарбий-бюрократик диктатуранинг ана шу маҳаллий органлари тўққиз йил давомида, уларнинг ўзи ташкил этилган пайтдан бери янгиланмаган эди. Революцион комитетлар аъзоларининг рўйхатлари халқ вакиллари вилоят ва шаҳар йиғилишларининг сессияларида тасдиқланади, бу вакиллар эса сайланган эмас, балки кўп йиллардан бери Хитойда одат тусига кириб қолганидек маъмурий тартибда тайинлаб қўйилган.

Революцион комитетлар составининг янгиланиши халқ вакиллари Умумхитой йиғилишининг шу йил кўкламига белгиланган сессиясини чақиришнинг тайёргарлик босқичидир, деб ҳисобланмоқда. Бу сессияда давлат аппаратининг олий поғонасида машъум «тўртлар шайкаси» тарафдорлари четлаштирилиши оқибатида бўшаб қолган жойларни тўлдириш мўлжалланмоқда.

Янги революцион комитетлар тўғрисидаги маълумотлар тозалаш тадбирларининг нақадар кенг қулоч ёзганлигидан далолат беради. Характерли бир факт: революцион комитетлар раислари ўринбосарларининг 20 процентдан камроғи илгариги лавозимларида қолдирилган (350 кишидан 290 дан ортиқ киши четлаштирилган). «Тозалаш»га дучор бўлган кишиларнинг қарийб ярмиси вилоят партия комитетларининг секретарлари ёки аъзолари лавозимларини ўриндошлик юзасидан эгаллаб келган эди. Бир қанча вилоятларда ревкомлар состави деярли тўла-тўкис янгиланди.

ХКП Марказий Комитетининг бултур август ойида «Бирлик ва жипслик съезди», деб эълон қилинган партия XI съездида сайланган баъзи бир аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳам маҳаллий ҳокимият органларидаги раҳбарлик лавозимларидан маҳрум қилинди. Уларнинг тақдири нима бўлганлиги хабар қилинмаяпти.

Бу галги тозалаш «маданий революция» кунларида ғазабга учраган кекса кадрлардан бир қисмини оқлаш вазиятида ўтказилмоқда. Бироқ оқланганлар орасида интернационалист коммунистлар йўқлиги ажабланарли бир ҳолдир. Мао Цзэ-дун тирик пайтида бўлганидек, ҳозир ҳам уларни қоралаб, бадном қилмоқдалар. Маоизмга ва ҳозирги раҳбарларга содиқ эканлиги тўғрисида жон-жаҳди билан қасам ичаётганларгина юзага чиқмоқда. «Жэньминь Жибао» газетаси яқинда бу жараён бир хил маочиларнинг, кўпинча бошқаларидан «уч олиш»га айланиб кетаётганлигини тан олди. У ёки бу раҳбар ходимнинг «тўртлар шайкаси тарафдорлари» деб аталаётган кишилар қаторига қўшиб қўйилиши шу қадар мужмал бир гапки, бунинг натижасида улардан аслида ҳар бирини бадном қилиш имконияти бор.

Пекин пропагандасининг таъкидлаб ёзишича, раҳбар кадрларни навбатдаги тозалаш кампанияси «Жэньминь Жибао» ибораси билан айтганда, «Бу галги кампанияни ярим йўлда қолдириш, сўнгра эса бутунлай тўхтатиш» истагида бўлган кишиларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Шу муносабат билан газета «Партия комитетларининг сиёсий ва ташкилий бўлимлари билан шуғулланишга, бу бўлимларда кимлар ишлаётганлигини обдон текширишга» ва «уларга нисбатан кескин чоралар кўришга» чақиради.

Хитой матбуотининг кескин гапларига қараганда ўзаро кураш ғоят кенг кўлам касб этган. Бу курашга раҳбарлик олий ва ўрта бўғинларигина эмас, шу билан бирга кўп минглаб маҳаллий партия ва давлат ташкилотлари ҳам қўшилиб кетган.

Пекин раҳбарлари тозалаш кампаниясини салкам бир ярим йил муқаддам бошлаган пайтларида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тартибсизликка барҳам беришга ваъда қилган эдилар. Бироқ, фактлар ХХРдаги сиёсий кураш пасайиб бормаётганлигидан, балки янги куч билан авж олаётганидан дарак бериб турибди. Бу курашнинг охири кўринмаяпти.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС сиёсий обзорчиси.

ФУТБОЛ—78

✦ САККИЗ ДУРАНГДАН СЎНГ ОЧКО БЕРИЛМАЙДИ. ✦ КЕЛАСИ ЙИЛИ ОЛИЙ ЛИГАДА 18 КОЛЛЕКТИВ ИШТИРОК ЭТАДИ.

Олий лига командалари 8 апрелдан бошлаб чемпионлик унвони учун курашни бошлаб юборадилар. Шу куни мамлакат биринчилиги учун биринчи тур ўйинлари ўтказилади. Орадан бир кун ўтгач, биринчи лиганинг 20 коллективи ҳам майдонга тушади.

Мамлакатимизда футбол коллективларининг маҳоратини ошириш, уларнинг сафини ёш футболчилар билан тўлдириб туриш, команда тренерларининг янада самарали ишлашлари учун биринчилик мусобақасига турли янгиликлар киритилди. Жумладан, бу йил 16 команда ўртасида энг сўнгги ўринни олган команда олий лигадан тушиб кетади. Биринчи лиганинг уч кучли коллективи унинг ўрнига олий лигага чиқади. Шундай қилиб, 1979 йилдан бошлаб олий лигада 18 команда иштирок этади.

Биринчи лигада ҳам сўнгги ўринда қолган коллектив ўз ўрнини иккинчи лиганинг уч энг яхши командасига бўшатиб беради.

Мамлакат биринчилиги учун чемпионат ўйинларининг янада қизғин ўтиши учун командалар олдига «шарт» қўйилди. Ҳар бир команда мавсумдаги ўйинларидан саккизтасини дуранг натижа билан тугатиши мумкин. Бу ўйинларда командаларга биттадан очко берилади. Кейинги дуранглар эса очколар берилмайди.

ХОККЕЙ:

ОЛИЙ ЛИГАДА 12 КОМАНДА

1978-1979 йилларда СССР биринчилиги учун мусобақаларда 12 команда иштирок этади. Биринчи лигада биринчи ва иккинчи ўринларни олган командалар олий лигага йўлланма олади. Кучлилар сафида сўнгги ўринда қолган команда биринчи лига командалари ўртасида учинчи ўринни олган коллектив билан икки марта учрашади. Ғолиб команда 1978-1979 йилги мавсумда олий лигада иштирок этади.

Андижон области. Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасида ёш ишчилар жуда кўп. Улар ўз устозларидан таълим олиб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти. Ёш ишчиларнинг кўплари 1980 йил хисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Муҳаббат Эрматова фабрикада тўрт йилдан бери ишлаб келмоқда. Ҳозир унинг меҳнат календарида 1980 йил.

Суратда: М. Эрматова.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ЖАНУБ ГУЛИ

(Боши учинчи бетда)

Чақнаб турган қорача қизнинг кутилмагандаги бу гапи Қўчқорвой акани эсанкиратиб қўйди. Ана, айтмадимми, деди у ўзига ўзи. Бригадир ҳангу манг бўлиб қолди. Булар ёмон, буларнинг тили кирқиладиган! Булар сиёсий хато қилишяпти! Ҳозиргина ипакдек ечилиб, унинг кўзига олмос узукдек ярқираб кўринган Онахон чағир тиканакка ўхшаб, қўлига порт этиб кирди. «Булар шунақа, буларнинг ёнига бекорга келдингиз, ўртоқ Жўрақулов! Юринг, тезроқ кетайлик! Бу ерда тўхтамайлик!» дегандек безовталаниб қолди. Табелчилик қилаётган муаллим йигитга хўмрайиб қўйди: «Сизлар шунақа тарбия берасизларми!? Биринчи секретарь олдида одоб қани! Хонаси келмаса ҳам, ҳамма нарсани гапираверши керакми?! Пахта — муҳим масала! Ҳукуматнинг қарори бор. Болалар бунақа тутуруқсиз гапларни айтаверса, охири нима бўлади?! Ўқиганинг билан, барибир, шу пахтазорга келасанлар-ку! Ханифа ҳам Тошкентда ўқиб, охири бу ерга келди, қаёққа борардиларинг! Жўрақулов ҳам, мен ҳам ўқиганмиз... Колхоз — бизнинг бор дунёмиз, бахтимиз, бойлигимиз. Бу ёшларнинг ақлига ақл қўшилгунча бизлар адо бўламиз!..» деди ичида Қўчқорвой ака.

— Шунақа дегин. Бир томондан, гапингиз тўғри, — деди Жўрақулов, — Дарҳақиқат дўппимиз тор келганидан сизларни олиб чиқяпмиз. Машина яқин келажакда бизни бу қийинчиликлардан қутқаради. Албатта, қутқаради!

— Юринг, кетдик, ўртоқ Жўрақулов! — деди Қўчқорвой ака гўё мактаб талабаларидан хафа бўлгандек. Мен нодон бўлмасам, келиб-келиб биринчи секретарни сенларнинг олдингга олиб келаманми, деди ичида.

— Сабр қилинг, — деди Жўрақулов теримчилар ёнидан кетмай.

— Ўртоқ биринчи секретарь! Эҳтимол биз билан бирга овқатланарсиз, — деди пахтасини хирмонга тўкатуриб бояги шаддод Онахон. У гапириб, сўзамоллик қилиб тургани сабабли бошқа қизлар жим туришарди. Бунинг устига, Онахон класком бўлгани учун ҳам улар ўз бошлиқларига итоат сақлашарди. — бизнинг овқатимиз жуда ширин.

— Онахон, оппоқ қизим, бизни кутишяпти! Биз нариги ёқда овқатланамиз, — деди энтикиб кўзлари ола-кула бўлиб Қўчқорвой ака.

— Ихтиёрингиз. Лекин бизларни деб келибсизлар, бизлар билан бирга овқатлансангизлар яхши бўларди. Ана, занг урилди.

— Бўпти, — деди Жўрақулов, — сизлар билан бирга тушлик қиламиз.

— Мана бу жуда яхши гап, — деди чақнаб Онахон.

— У ёқда дастурхон тайёрланган, ўртоқ Жўрақулов, Ханифа хафа бўлади! У атайин сизнинг келишингизга қўй сўйган, бормасангиз бўлмайди! У ёқ яхши... Юринг, кетдик!

— Сабр қилинг!

Шу лаҳза, бир томонда қизлар чувуллашиш, савол ва кулги, бир томонда Жўрақулов салобати, бир томонда дала шийпонида тайёрланган зиёфатнинг қолиб кетаётгани ва биз-бизак бўлиб турган фотограф йигит Қўчқорвой аканинг бошини қотирган эди. У жуда хотиржам иш қилишга ўрганган, бундақа биз-бизак чалиб, икки-уч томондан савол ёғилиб турганида ўзини йиғиб ололмай, бақрайиб қоларди. Худди шу пайт область газетасидан келган бояги сергап, новча мухбир Қўчқорвой акани саволга тута бошлади. Қўчқорвой ака бўлса, ёнидаги Жўрақуловдан хижолат бўлиб, мухбир йигитга қараб энтикарди:

— Укажон, кейин! Э, билмайман!

— Фамилиянгиз нима? Шуни айтиб юборинг!

У бирдан ўйланиб қолди. Бехтиёр ёнида турган қизил чит кўйлакли, жамалак соч неварасига қаради:

— Памилам нима эди?

— Рисолатхон Шермуҳаммадхўжаева.

— Э, жинни! Бу ойингнинг памиласи-ку!

— Сизники Шермуҳаммадхўжаев.

— Бундоқ дегин, — у ялт этиб мухбирга қаради, — бизники Шермуҳаммадхўчаеп...

— Фамилиянгизни эсдан чиқарса арзийдиган экан, — деди кулимсираб мухбир. — Шеров, деб қўяқолсангиз бўлмайдими! Учта одамга бўлиб берса етадиган фамилия-я!

— Бўлмайди-да, ука! Бу книжкага ёзилган. Бўлмайди.

Жўрақулов хо-холаб кулиб юборди. Онахон ҳам.

— Ҳам бошингиз, ҳам қуйруғингиз билан шўнғийсиз-а, Қўчқорвой ака, ишингиз доли-гулига келганда!

— Иш кўп. Айниқса, мана бу бемаврид ёмғирдан кейин жуда иш кўпайиб кетди. Бош қашишга вақт йўқ. Памиламизни ҳам эсдан чиқардик. Энди буни қаранг, шу тобда памила сўрайдими! Отдан яхшиси борми, осонгина, Қўчқорвой денг қўйинг, — мухбир йигитга гап қотди: бир пасдан кейин хув анави шийпонда гаплашамиз. Зиёфат... Гап бор...

— Хўп! — деди қарашлари лочиннамо мухбир.

Онахон меҳмонларни хирмон ёнидаги брезент полосга таклиф этди. Шу муддат катта оқ бидонларда олиб келинган макарон шўрва алюмин товоқчаларга сузила бошланди. Бир «ошпаз» йигит енгини шимариб дастлабки косаларни Жўрақулов билан Қўчқорвой акага, ундан кейин фоточи мухбирга, Қўчқорвой аканинг жажжи неварасига узатди. Ёғоч, алюминий қошиқларни пақирдаги сувга чайқаб, уларга узатди. Брезент полос устига чордона қурган райком секретари олдига газета ёзиб, нон, кўк пиёз ҳам қўйишди. Бир қиз каттакон чойгумни олиб келиб, бундаги ҳар хил пиёлалар ичидан чегалланмаган, пахта гули солинган энг чиройлигини обдон чайқаб, чой қуйиб райком секретарига узатди. Шиша банкадаги тузни ҳам олиб келиб ўртага қўйишди. Онахон, яна бир-иккита қизлар секретарь ёнига келиб ўтиришди. Макарон шўрва қора мазут ёғи ёқилиб пиширилганидан товоқдаги шўрвадан мазут ҳиди анқиб турарди. Жўрақулов бир коса макарон шўрвани паққос туширди. Колхоз боғидаги шийпонда жиз-биз қилиниб, кабоблар қул-қул товуқлар эти пишаётгани, «мурда ичса тирилиб кетадиган» серпиёз оқ шўрвалар қозонда билқ-билқ қайнаб тургани, арча ҳидли тандир кабоб бўйи Қўчқорвой ака димоғига етгандай бўларди. На чора, у райком секретарини ташлаб кетолмайди. Жўрақулов теримчиларга берилаётган овқат сифатсизлигини айтади, деб турган эди, бундай бўлмади. Қизлар таомни жуда иштаҳа ва мамнунлик билан ейишарди. Ишлаган кишига макарон шўрва палов, кабоблардан минг чандон мазалик эканини ҳозир кўриб туришибди...

Яна занг урилди. Қизлар ўринларидан туриб, наридан бери ишга тушиб кетишди. Жўрақулов, Онахон, Қўчқорвой акалар ҳам туришди. Секретарь ҳатто райкомда ҳам тушки овқатдан кейин кабинет эшигини қулфлаб, бир соат ётиб ухлаб оладиганлар борлигини кўнглидан ўтказди. Қўчқорвой ака бу «шум» қизлар олдидан тезроқ кетайлик деб уларга хайр ишорасини қилиб, Жўрақуловга имо қилаётган эди, Онахон жиддий деди:

— Озгина пахта термаймизми, Ҳотам Жўрақулович?

— Ҳа дарвоқе биз ишлашимиз керак, — деди Жўрақулов хо-холаб, — макарон шўрвани бекорга ичиб кетаверамизми!

— Бизни қийнама, жон қизим, — деди ялиниб, ўсал бўлиб Қўчқорвой ака, — кейин териб берамиз!

— Йўқ, бирга терамиз! — эркаланди Онахон.

Негадир Жўрақулов салобатли одам бўлишига қарамай, хушфеъллиги, одамохунлиги Онахонга ёқди. Макарон шўрвани ҳам шунчаки кўнгил учун эмас, бошқалардек иштаҳа билан ичди. Унда қандайдир сохталик, расмият аломатлари асло сезилмасди. Онахон, эҳтимол, умрида биринчи марта шундай масъул раҳбар киши билан ёнма-ён ўтириб овқатланаётгандир. У ичида ҳаяжонланарди.

— Терамиз, албатта, терамиз! — деди Жўрақулов белига этак боғлаб, — Қўчқорвой ака, сиз бунақа деманг! Ҳавонинг яхшилигини қаранг! Шундоқ ҳавода пахта теришнинг ўзи роҳат-ку! Қани, этакни олинг!

Жўрақулов Онахон билан ёнма-ён жўякка тушиб пахта тера кетди. Белини ушлаб турган Қўчқорвой ака ҳам, унинг жажжи невараси ҳам хайрон бўлиб турган фоточи йигит ҳам райком секретарига қараб туриб, теримга тушиб кетишди. У макарон шўрвани ичмай, зиёфатни кутган эди. Табелчи, шофёру тарозибонлар орқада бақрайиб қараб қолишди.

Бирон соатлардан кейин узоқда, дала четида чанг кўтарилди. Дўнгликлар орқасидан дам кўриниб, дам кўринмай енгил машина келарди. Бир муддатдан сўнг у чапга бурилиб, катта майдонга кирди-да, хирмон ёнига келиб тўхтади. Машинадан чиққан кўркам аёл у ёқ-бу ёққа аланглаб, тарозибон билан гаплашиб турганида, Қўчқорвой ака райком секретарига мурожаат этди:

— Ўртоқ Жўрақулов, кетдик! Ана раисамизнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар.

— Анча пахта териб бердингизлар, раҳмат! — деди Онахон, — Сизнинг бу ерга келишингиз ғайратимизга ғайрат қўшди.

«Тилинг кесиладиган қиз экансан!» дегандек бўларди Онахонга бўзрайиб қараб турган Қўчқорвой ака. У бир лаҳзадан сўнг Жўрақуловга жилмайди. Лабининг таноби қочди.

— Булар мактаб болалари-да.

— Сизлар билан бирга бўлиш биз учун ҳам кўнгилли бўлди, — деди Жўрақулов, — терган пахтам беш кило чиқармикан?

— Чиқади.

— Анча терибсиз-ку, Ҳотам Жўрақулович! — катта қадам ташлаб, теримчилар ёнига келган колхоз раисаси Ханифа Бегимқулова ҳайратомуз, этак тутиб олиб, эгилиб, тинмай пахта тераётган райком секретарига гап қотди, — Яшанг! — Кейин у Қўчқорвой акага секин қаради: — Икки соатдан бери кутамиз! Ош тагига олиб кетди! Сизда ўзи озгина инсоф борми!?

— Қандоқ қилай.. — Қўчқорвой ака кўзларини ола-кула қилиб, айб унда эмаслигини билдириб, елкасини қисди, — мана бу қизларингиз қўйишмади. Анависининг оғзидан ёмон гаплар чиқди. Жўрақуловни улардан ажратиб олиб кетолмаяпман.

— Ўлинг! Ношуд, латта!

Ханифахон қизларга ялт этиб қараб қўйди. Жўрақулов билан ёнма-ён гаплашиб пахта тераётган қорача қизга қаттиқ ўқрайди. Мактаб қизларининг шумтакалигини кўнглидан ўтказиб, бўлган воқеани дарҳол илғаб олди. Шу лаҳза раиса машинасини ҳайдаб юрган Чўли деган бесўнақай йигит ҳам узоқдан Жўрақулов атрофида пахта тераётган Онахонга тикилди.

— Терган пахтангиз учун катта раҳмат! — Қани, кетдик, Ҳотам Жўрақулович! — Ханифахон ўзига хос чиройли табассум қилиб, бу гапни буйруқнамо айтди.

Жўрақулов дилбар қизлар билан хайр-хўшлашиб, хирмон томон юрди. Терган пахтасини хирмонга тўкиб, этакни табелчига топширди. Шундан сўнг улар фотомухбир йигитни ҳам олиб, машинага ўтиришди. Енгил машина яна дала чангитиб, колхоз боғи томон йўл олди.

Жўрақуловлар кетганидан сўнг бир оз жимлик ҳукм сурди. Қизлар тўлиб, оғир бўлиб кетган этакларини елкага олиб, хирмонга келишди. Ҳамма ўз пахтасини торттириб, хирмонга тўкарди. Яна Онахон илғор! Унинг терган пахтаси ҳамманикидан кўпроқ эди. Хирмон ёнидаги бир лаҳзалик дам олиш пайтида Одил-бадабанг деган йигит қиздириб қўйган чирмандасини гижбангга урди. Қизу йигитлар дарҳол доира тузиб, чапакни о л и ш д и. Ўртага тушган Онахон шўх рақс бошлаб, қўлларини дам юқори, дам белига қўйиб, елкаларини каптар боласидек учириб, баъзан бўйнини ҳам у елкадан бу елкага олиб бориб, чунонам ўйнадики, ҳамма ундан кўз узмасди. Бунда қолиб, мактаб ўқувчиларига қўшилиб пахта тераётган Қўчқорвой аканинг жажжи невараси ҳам Онахонга қараб оғзи очилиб қолди. Афсус, бу ўйинни бир марта кўриб маҳлиё бўлиб қолган Чўли йўқ эди бу гал. Бир муддатлик ўйин-кулгидан сўнг улар яна ишга тушиб кетишди. Холбека деган қиз Онахонга сал-пал ичиқоралик қилиб юрарди. У бошқа дугоналари билан шивирлашиб, Онахонни «мўлтони» деди.

Райком секретари Жўрақулов ҳақида Онахонда жуда яхши таассурот қолди. Ҳотам Жўрақулов деган одам райком секретари бўлиб ишлашини эшитган эди-ю, лекин бу масъул кишини кўрмаган эди. Уни энг яхши муаллимларига қиёс қилди.

ОТЧОПАР ҲАНГОМАСИ

Фельетон

Бахшуллонинг якшанба кунги режалари кутилмаганда ўзгариб кетди. Ҳаммасига қўшниси Мамаюсуфнинг ўша эски шалоқ машинаси сабаб бўлди. Улар иккови шаҳарнинг нариги чеккасида турадиган танишлариникига энди йўлга чиқмоқчи бўлиб туришган эди, машинанинг аллақаери «қирс» этиб, мотори ўчиб қолди.

— Двигатель прокладкаси куйибди, — Мамаюсуф моторни очиб титкилар экан, Бахшуллога тайинлади. — Гап бундай, ошна. Ҳозир Отчопарнинг ёнидаги бозорга бориб келасан. У ерда Аршам Ованесян билан Зулфарид Аҳмадиев деган йигитлар бор. Бозордан тополмасанг, Аршамни Чилонзорнинг 23-кварталидаги 29-уйдан. Зулфаридни эса Сағбондаги 78-уйдан топасан. Прокладка ўшаларда бўлади. Сен келгунингча, мен машинанинг у ёқ-бу ёғига қараб тураман.

Бахшулло умри бино бўлиб, Отчопарнинг бозорида бўлмаган эди. Бозор қаердаю, прокладка сотадиган Ованесян қаерда, деб бошини қашиб бораётган эди, ҳартугул одамлардан сўраб-суриштириб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмади. Чўп суқилган арининг уясидай ғувиллаб турган бозор автобус бекатининг шундоққина ёнидан, «Кўчада савдо қилиш тақиқланади, бунга риоя қилмаганларга 10 сўм жарима солинади» деган эълон ёзиб қўйилган жойдан бошланганди.

Бахшулло автобусдан тушиши билан дарёдай тошиб турган бозор уни домига тортиб кетди. Дастлабки учраган бир аёл «Дарпарда олмайсанми?» деб молини нақд унинг бурнига тиққудек қилиб кўз-кўз қилди. Йўқ, Бахшуллога дарпарда эмас, прокладка керак эди. Шунинг учун у тирсаклари билан одамларнинг орасини ёриб, олға бораверди. Бахшулло бозорда нималарни ҳам кўрмади дейсиз. Шиша банканинг қопқоғидан машинада тўқилган жун қофтагача, камёб магнитафондан сувсар телпаккача — ҳаммаси сотилмоқда эди.

— Кеб қолинг, туфлининг импортнийси бизда.

Бахшулло бозорни бошига кўтариб бақираётган йигитни дарров таниди. Буни қаранг-а, кечагина шаҳар марказидаги универмагга бир юмуш билан борганида танишиб олган эди. Ўша йигит ўзини Абдумалик Абдуллаев деб таништирган, 1-Қорасув кўчаси, 18-уйда яшашини, укалари учун туфли олишга келганини айтган эди. Унинг укалари шунақанги кўп эканми, ўн жуфт танқис туфлини қўлтиғига тиқиб олиб кетган эди...

— Ҳа, ошна, бу туфлилар укаларингга ёқмадими дейман, бозорга олиб чиқибсан, — Бахшулло Абдумаликнинг енгидан тортди. — Кеча менга етмай қолган эди, сотсанг биттасини кийиб кетай...

— Майли, нархи қимматлик қилмаса, олинг.

— Нега кеча магазиндан 22 сўмдан олувдинг шекилли?

— Укаларим туфлининг ҳар биттасини 35 сўмдан сотасан деб буюришган. Хизмат ҳақи дегандай...

Бахшулло «дарҳақиқат нархи бизга тўғри келмас экан», деди-да, яна бозорга шўнғиб кетди. Бир чеккада портфелини қучоқлаб турган Алексей Ванюхин деган кимса транзистор радиоприёмнигининг ҳар битта батареясини қўли-қўлига тегмай 50 тийиндан сотмоқда эди. Бахшулло уни ҳам танирди. Тунов куни А. Ванюхиннинг «Ташхозкультторг»нинг 16-магазини сотувчиси Абдулла Қулматов билан сирли шивирлашиб турганини, Абдулланинг унга ҳар биттаси давлат нархида 17 тийин турадиган 500 дона батареяни 130 сўмга бериб юборганлигини кўрган эди. Алексей Ванюхин ана шу батареяларни энди бозорга олиб чиқибди.

...Бозор қайнагандан қайнамоқда эди. Ҳожатбарор кишилар қаердан топиб келгани ўзигагина аён бўлган, устига ўттиз сўмлик «шапкаси» қўйилган аёлларнинг этикчалари, эркакларнинг лакланган туфлилари; ҳар бири 100 сўмдан сотилаётган сувсар телпаклар... Бир чеккада ранги кўзни оладиган чўғдай гилам ва палослар... Бахшулло бугун бозорда танишларини учратаман деб сира ҳам ўйламаган эди. Буни қарангки, гиламфурушларнинг ҳам биттаси таниш чиқиб қолди. Тўққизта гилам, учта палос, битта поёндозни ёйиб ўтирган Нурилла Назировнинг Махтумқули кўчаси, 2-проезд 9-уйда яшашини ҳам биларди.

— Ҳа, Бахшулло келинг, — Нурилла Назиров Бахшулло билан кўришаркан деди. — Гилам керакмиди, олинг, арзон қилиб бераман. Ўзи ҳам яп-янги, кечагина магазиндан олиб келдим.

— Мана бунисига неча сўм берай? — Бахшулло ҳаваси келиб сўради.

— Беш юз сўм. Жуда арзон бўлиб кетди. Кўряпсизми, хув анави Клавдия Долматова деган аёлни. Худди шунақа гиламни олти юз эллик сўм деб ўтирибди...

«Бу прокладка деганини қаердан топса бўларкин-а». Бахшулло хайрлашишни ҳам насия қилиб жўнаб қолди.

...Бозорнинг нариги чеккасида запчастфурушлар чайқов бозорининг ўзига хос филиалини очиб олишибди. Қатор-қатор «Жигули», «Москвич», «Запорожец» автомашиналарининг багажлари очилган, яп-янги поршень дейсизми, шатунь дейсизми, ҳалқа-ю, тормоз манжетлари дейсизми — ҳаммаси ёйиб ташланган. Бу ерда бозорнинг нариги чеккасидаги сингари бақириқ-чақириқлар ҳам йўқ. Савдо оғир-босиқлик билан олиб борилмоқда эди. Бахшулло одамлар кўпроқ тўпланиб туришган жойга борди. «Жигули» багажини очиб хилма-хил запчастларни ёйиб ташлаган йигит айни пайтда харидорлардан буюртмалар ҳам оларди.

— «Жигули»га ғилдиракми? Яна келгуси якшанбада келсангиз, топиб бераман.

— «Запорожец»нинг ён қаноти дейсизми? Ундан бор.

— Цилиндр блокларининг устки прокладкаси-чи? — Бахшулло ҳам орага суқилди.

Аммо бу давангирдай йигит Бахшуллонинг прокладка сотиб олишига ишонмади, шекилли, саволига эътибор ҳам бермади.

— Прокладка деган Леонид Сухотинда бўлмайди, уни Аршам Ованесян билан Зулфарид Аҳмадиевдан топасан, — деди мотоцикл шинасини елкасидан ўтказиб олган бир соқолдор киши.

Буни қарангки, бозорда чайқовчиларнинг исми ва фамилияси-ю, қаерда ишлаб, қаерда яшаши ҳаммага маълум экан. Бахшулло ўша харидордан Леонид Сухотин деган бу запчастфуруш йигитнинг Куйбишев районидаги Максим Горький кўчаси, 53-уйда яшашини, бирор зарурат бўлганида бозор кунини кутмай, тўғри унинг уйига бораверишш мумкин эканлигини ҳам билиб олди.

Бахшулло Аршам Ованесяндан ўзи суриштириб келган прокладкани бирга ўнни қўшиб сотиб оларкан, ажабланиб сўради.

— Менга қаранг, Аршам Теванеевич, сизлар бунақа камёб молларни қаердардан топиб келасизлар-а?

— Узумини еб, боғини суриштирма, дўстим. Ишинг битганидан хурсанд бўлиб кетаверсанг-чи.

Бахшулло прокладка топганидан хурсанд бўлишга бўлди-ю, аммо, бир нарсани ўйлаб, ўйининг охирига етолмади. Отчопарнинг бозори Тошкентдай шаҳри азимнинг энг катта бозорларидан бири бўла туриб, чайқовчилар ҳамманинг кўзи олдида бемалол савдосини қилаверса-я. Қизиқ, бу камёб молларни қаердан келтириб, қанчадан сотишаётганини суриштирадиган одам йўқ. Ёки чиндан ҳам бозор бедарвоза бўлиб қолдимикан?

О. ЎРУНОВ,
Р. ТУРСУНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/II да **Золушка** (12.00), **Борис Годунов** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/II да **Она қизим,** 13/II да **Ҳижрон.**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Куролланган ва жуда хавфли** (катта зал), **Севги синови** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қуролланган ва жуда хавфли — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00), «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Порлоқ келажакка чақир — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (12, 14, 16.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Никоҳ эълони бўйича танишув — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Ечилмаган жумбоқ — «ИСКРА» (19.30).

Хизматдош ошиқлар ҳиссаси — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (18, 21.00).

●

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЁҒОЧСОЗ-СТАНОКЧИ (ўқиш муддати — 1 йил), ДУРАДГОРЛАР (3 йил), ФАНЕРЧИ (1 йил), ПАРДОЗЛОВЧИ (1 йил), ЁҒОЧСОЗЛИК УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ (3 йил), ПРЕССЧИ (1 йил), БАДИИЙ ВА МОДЕЛЛИ МЕБЕЛЛАР ДУРАДГОРЛАРИНИ (3 йил) ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

●

«ТУЯМУЮНГИДРОСТРОЙ» қурилиш бошқармасининг

1-ҚУРИЛИШ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Амударёдаги Туямўйин гидроузели қурилишида ишлаш учун пайвандчи-арматурачилар, монтажчи-арматурачилар, дурадгор-бетончилар, тажрибали инженер-гидротехниклар

КЕРАК

Меҳнат ҳақига 1.5 район коэффициенти қўшиб тўланади. Йўл харажати ва КЗОТ бўйича минтақалар тўланади.

Ишчилар турар жой билан таъминланадилар.

ИШГА ЧАҚИРИҚ ҚОҒОЗИ БЎЙИЧА БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 741319, Ўзбекистон ССР, Хоразм область, Дружба шаҳри.

Тошкент шаҳар металли ишлаш корхоналари бирлашмаси коллективи бирлашма ишчиси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Махаматхон МУСАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

12 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Зарядкага сафланинг. 9.55 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Капчатта бола» (бадиий фильм). 13.20 — Қишлоқ янгиликлари. 14.20 — Музикали киоск. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.10 — Халқаро панорама. 15.40 — Музикали программа. 16.25 — Мультфильмлар. 16.55 — «Юксак унвон» (бадиий фильм) 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Юксак унвон» (бадиий фильмнинг давоми). 20.10 — Фильм-концерт. 20.30 — «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 — «Вақт». 22.00 — Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.10 — Конькида югуриш бўйича СССР чемпионати. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Лирик концерт. 10.50 — Бепоён Ватаним менинг. 11.05 — Ёш кинохаваскорлар клуби. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — Шахмат мактаби. 13.30 — Юлка (бадиий фильм). 14.40 — Реклама. 18.00 — «Малишок». 18.25 — Кинокўрсатув. 18.55 — Ер — бойлигимиз. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Шеърият кечаси. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Телеминиатюралар. 21.30 — «Вақт» (Москва) 22.00 — «Қўшиқ ёзувчи шоирлар», Акмал Пўлат. 23.30 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Труд» (Куйбишев).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

13 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Қувноқ стартлар». 10.40 — «Ташвишдан қўрққан бахтга муяссар бўлмайди» (бадиий фильм, 2-серия). 11.45 — «Ҳайвонот оламида». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Пушкин театри» (иккинчи кўрсатув). 16.30 — «Онамларнинг мактаби». 17.00 — «Қадимги шарқ санъати». 17.30 — «Орлёнок». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 19.45 — «Қора нон» (бадиий фильм, 5-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.40 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Актёрлар ва роллар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Операнинг ёш солистлари». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида. 22.15 — «Фарҳоднинг жасорати» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Керакли одам» (бадиий фильм) 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Биология. 21.00 — Чизма геометрия.

Радио

12 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳ. Охунова ва Э. Йўлдошев куйлайди. 9.15 — Табассум. 10.15 — С добрим утром. 11.30 — Музикали эшиттириш. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.30 — Хатларингизни ўқиб (концерт). 14.00 — Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови. 15.00 — Катталарга болалар ҳақида 15.15 — Дам олиш киноафишаси. 15.30 — Сўнгги ахборот. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 18.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Тўхтасинов чалади. 19.00 — Ялла концерти. 19.20 — Ёшлик. 20.25 — Туямўйин гидроузели қурувчилари учун концерт. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 — Табассум (такрорий). 23.00 — Лирик концерт.

13 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». 9.15 — «Совет турмуш тарзи». 9.30 — Концерт. 11.15 — «Институт ва лабораторияларда». 11.30 — Най наволари. 12.00 — «Ўзбекистан индустриальный». 13.00 — Чорва қишловининг боришини текширамиз. 13.30 — «Қувноқ сайл». 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳақида ҳикоялар. 16.10 — Ўзбекистоннинг музикали панорамаси. 18.30 — Халқ контроли органлари 60 ёшда. 19.00 — Москва. «Инсон ва қонун». 19.20 — Концерт. 20.25 — Закавказье халқларининг қўшиқлари. 21.00 Концерт. 22.00 — «Ватаним, сени куйлайман». 22.30 — Шу куннинг энг муҳим сиёсий воқеалари. 22.40 — «Кабутарнинг юксак парвози». 23.20 — Муқимий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-29; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Справка олиш учун — 33-02-92.

Р. — 00189. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 37.